

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

Қўлёзма ҳуқуқида
УДК:338

Абдуллаев Зокир Султонмахмудович

**ИҚТИСОДИЁТ ТАРМОҚЛАРИДА ТАДБИРКОРЛИКНИ
ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ТАРТИБГА СОЛИШ**
(Наманган вилояти мисолида)

5A230201 – Менежмент (реал сектор)

Магистр
академик даражасини олиш учун ёзилган

ДИ С С Е Р Т А Ц И Я

Илмий раҳбар:
и.ф.н, доц. О.А.Арипов

Наманган-2015

Мундарижа

Кириш	3
I-боб: Иқтисодиёт тармоқларида тадбиркорлик фаолиятини давлат томонидан тартибга солишнинг назарий асослари	10
1. Тадбиркорлик субъектларининг иқтисодий муҳитдаги фаолияти ва уни давлат томонидан тартибга солишнинг назарий асослари	10
2. Бозор иқтисодиёти шароитида иқтисодиёт тармоқларида тадбиркорликни давлат томонидан тартибга солиш	16
3. Ўзбекистонда тадбиркорлик фаолиятини давлат томонидан тартибга солиб боришдаги ўзига хос жиҳатлар	24
I боб бўйича хулоса	
II-боб: Модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш даврида Наманган вилоятида тадбиркорликни давлат томонидан тартибга солиш	33
1. Наманган вилоятининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ва тадбиркорлар учун яратилган шарт-шароитлар	33
2. Наманган вилояти иқтисодиёти тармоқларида тадбиркорликни тартибга солишда юзага келган муаммолар	44
3. Наманган вилоятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ҳуқуқий бошқарувини ва давлат томонидан қўллаб-қувватлашни ошириш йўналишлари	53
II боб бўйича хулоса	
III-боб: Иқтисодиёт тармоқларида тадбиркорликни давлат томонидан тартибга солишни такомиллаштириш йўналишлари	62
1. Иқтисодиёт тармоқларида тадбиркорлик фаолиятини такомиллаштириш учун шарт-шароитлар яратиш	62
2. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари	69
3. Тадбиркорликни бошқариш ва рағбатлантиришда Давлат дастурини амалга оширишни молиявий таъминлаш	77
III боб бўйича хулоса	84
Хулоса	85
Адабиётлар рўйхати	88

Кириш

Диссертация мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги.

Миллий иқтисодиёт тармоқларида тадбиркорлик фаолиятини самарали ташкил этиш ва уларни давлат томонидан тартибга солиш масалалари бугунги кунда жаҳонда рўй бераётган глобаллашув даври билан боғлиқ жараёнларнинг фаоллашувидан иборат. Тадбиркорликни ривожлантириш, уни давлат томонидан тартибга солиш масалаларига доир изланишлар мустақилликнинг илк йилларидан бошланган. 1995-2015 йиллар оралигида хусусий секторни ривожлантириш учун 100 тадан ортиқ меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди. Натижада хусусий тадбиркорликни давлат томонидан тартибга солишда янада кенг қулайликлар яратилди.

“Бугунги кунда тадбиркорлик субъектларининг 98 фоизи солиқ ва статистика ҳисоботлари топширишни, божхона декларацияларини расмийлаштиришни эски усулдаги қоғоз тўлдириш йўли билан эмас, балки бевосита – электрон шаклда амалга оширмоқда”¹.

Бироқ, глобаллашув жараёнларининг ривожланиб бориши, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга у ёки бу даражадаги омиллар таъсири борлигини кўрсатмоқда. Қолаверса, ҳозирги кунда муайян даражада давом этаётган молиявий-иқтисодий инқироз ўзининг салбий таъсирини қайсидир даражада кўрсатиши мумкин. Аммо, давлат сиёсатида шундай чора-тадбирлар олиб борилмоқдаки, “ишбилармонлик – бизнес юритиш учун амалий қулай шароит туғдириб бериш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш реал иқтисодиётни ислоҳ этишнинг навбатдаги энг муҳим йўналишига айланмоғи зарур”².

¹ Каримов И. А. 2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир. // Халқ сўзи. 17 январь 2015 йил.

² Каримов И.А. 2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади. // Халқ сўзи. 18.январь. 2014 йил.

Кўриниб турибдики, давлат сиёсатида иқтисодий ислохотларнинг устувор вазифалари каторида тадбиркорликни ривожлантиришни янада ошириш, иқтисодиётни янада эркинлаштириш ва модернизация қилиш масалалари алоҳида ўрин олган. Биз танлаган мавзу шу нуқтаи назардан ўта долзарбдир.

Миллий иқтисодиётни модернизация қилиш ва ислохотларни тобора чуқурлаштириш жараёнларида тадбиркорликни давлат томонидан тартибга солишда муайян ижобий тажрибага эга бўлдик. Бироқ, тадбиркорликни кўллаш орқали кичик корхона ва микрофирмаларни ривожлантириш, уларнинг фаолиятини янада яхшилаш мақсадида хизмат кўрсатувчи инфратузилма таркибини кучайтириш, қолаверса, энг муҳими фирмаларни давлат томонидан тартибга солишни янада мукамаллаштириш зарур. Шу боис мамлакатимизда тадбиркорлар ва ишбилармонларни фаоллигини сусайтираётган айрим муаммоларни ҳал этишга йўналтирилган чора-тадбирларни кўриб бориш биринчи даражали вазифаларимиздан бўлиб қолмоқда.

Хусусан Наманган вилоятида маҳаллий бошқарув тизимларида ишлаётган айрим маъмурий ходимларнинг бозор тизимига хос фикрлаш доираси торлиги ва ташаббуссизлиги, ушбу муҳим давлат вазифасига бўлган юзаки ёндашуви вилоятда тадбиркорликни давлат томонидан тартибга солишга тўсиқ бўлаётган асосий омиллардандир.

Афсуски, хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш йўлида ҳали-ҳануз турли маъмурий ғов ва тўсиқлар сақланиб қолмоқда, мансабдорлар томонидан уларнинг қонуний манфаат ва ҳуқуқлари бузилаётгани билан боғлиқ кўплаб мисолларни келтириш мумкин¹.

Юқоридаги фикрларни инобатга олиб Наманган вилоятида фаолият кўрсатаётган тадбиркорлик субъектларини давлат томонидан тартибга солиш борасида яратилаётган ҳуқуқий асослар орқали бошқариш мақсадида илмий

¹ Каримов И. А. 2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир. // Халқ сўзи. 17 январь 2015 йил.

асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Ушбу диссертация иши мавзуси ўзининг юқоридаги каби хос жиҳатлари билан долзарбдир.

Тадқиқот объекти ва предметининг белгиланиши. Тадқиқот объекти сифатида Наманган вилоятидаги кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг фаолияти олинди. Тадқиқот предмети сифатида хусусий тадбиркорлик субъектларини давлат томонидан тартибга солиш тизими танланди.

Тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари. Иқтисодиёт тармоқларида хусусий тадбиркорликни давлат томонидан тартибга солиш юзасидан илмий-амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш, ишнинг мақсадини белгилайди. Мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифалар ечими ҳал этилди:

–тадбиркорлик субъектларининг иқтисодий муҳитдаги фаолияти ва уни давлат томонидан тартибга солишни назарий асослаш;

–бозор иқтисодиёти шароитида иқтисодиёт тармоқларида тадбиркорликни давлат томонидан тартибга солиш бўйича мулоҳазалар юритиш;

–Ўзбекистонда тадбиркорлик фаолиятини давлат томонидан тартибга солиб боришдаги ўзига хос жиҳатларни ёритиш;

–Наманган вилоятининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ва тадбиркорлар учун яратилган шарт-шароитларни таҳлил этиш;

–Наманган вилояти иқтисодиёти тармоқларида тадбиркорликни тартибга солишда юзага келган муаммоларни аниқлаш ва белгилаш;

–Наманган вилоятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ҳуқуқий бошқарувини ва давлат томонидан қўллаб-қувватлашни ошириш йўналишларини ишлаб чиқиш;

–иқтисодиёт тармоқларида тадбиркорлик фаолиятини такомиллаштириш учун шарт-шароитлар яратишга доир мулоҳазаларни ёритиш;

– кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирларини ифодалаш;

– тадбиркорликни бошқариш ва рағбатлантириш бўйича Давлат дастурини амалга оширишни молиявий таъминлаш масалаларини ёритиш.

Муаммони ўрганилганлик даражаси. Иқтисодиёт тармоқларида тадбиркорликни давлат томонидан тартибга солиш ва ривожлантиришга оид муаммолар бозор иқтисодиёти тизими ривожланган мамлакатларда чуқур ўрганилган. Фарбнинг таниқли иқтисодчи олимларидан ҳисобланган Р.Кантильон, А.Смит, Д.Рикардо, Й.Шумпетер, И.Фон Хайек, В.Леонтьевлар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг назарий жиҳатларини кенг ёритиб беришган. Ушбу секторни давлат томонидан тартибга солишнинг амалий масалалари Дж.Кейнс ва В.Леонтьев каби таниқли иқтисодчи-олимларнинг илмий асарларида келтирилган. Уларнинг илмий-назарий асосланган асарлари дунё миқёсида танилган.

Россиялик иқтисодчи олимлардан А.Блинов, Л.Балабанова, А.Горячев, В.Горфинкель, В.Демидов, Б.Райзберг, В.Рубе ва бошқалар томонидан ҳам кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан тартибга солишга доир илмий тадқиқотлар олиб борилган.

Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва уни давлат томонидан тартибга солишнинг фундаментал-назарий ва амалий муаммолари И.А.Каримовнинг бир қатор асарларида ўрганилган. Айниқса 2014 йилнинг якуни ва 2015 йилнинг устувор йўналишларини белгилашга бағишланган маърузаларида мазкур соҳани фаоллаштиришга доир яна бир қатор мулоҳазалари қайд этилди. Шунингдек, Х.Абулқосимов, С.Ғуломов, Б.Эркаев, Д.Суюнов, Б.Ходиев, О.Арипов, Ф.Базаров, Ш.Мирзиёев, Х.Рахмонкулов, В.Шепелев, У.Ғафуров, каби олимлар асарларида ёритилган.

Бироқ, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан тартибга солишда ҳали ўз ечимига эга бўлмаган баъзи муаммолар борки, улар айрим вилоятлар ҳудудий кесимида сезилиб турибди. Хусусан,

Наманган вилоятида ҳам кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан тартибга солишда муаммолар мавжуд. Уларни тадқиқот асосида ўрганиш бугунги кунда долзарб. Ўрганилаётган муаммонинг кенг қўлланлиги магистрлик диссертация иши мавзусини танлаш, мақсад ва вазифаларни белгилашга олиб келди.

Тадқиқотда қўлланилган услубларнинг қисқача тавсифи.

Магистрлик диссертациясини бажариш жараёнида қиёсий, тизимли ва мантикий таҳлил усуллари қўлланилган. Шунингдек, илмий абстракция, илмий мушоҳада, монографик кузатув, статистик гуруҳлаш ва график усуллардан фойдаланилди.

Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти:

иқтисодиёт тармоқларида хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳамда уни давлат томонидан тартибга солишнинг илмий-назарий асослари бўйича магистрлик диссертация иши доирасида бажарилган ишлардан қуйидаги ҳолларда фойдаланиш мумкин:

– иқтисодиёт тармоқларида тадбиркорликни ривожланишига кўмаклашувчи бозор инфратузилмаси фаолиятини кучайтириш ҳамда вилоят ҳокимлигининг мазкур масалага оид дастурий ҳужжат ва амалий чора-тадбирларини ишлаб чиқишда;

– вилоятдаги барча касб ҳунар коллежлари академик лицейларда ва ОТМларида иқтисодий йўналишдаги фанлардан, шунингдек, “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик”, “Иқтисодиёт асослари”, “Қорхона иқтисодиёти” каби бир қатор фанлардан у ёки бу тарздаги мавзуларни ёритишда;

– вилоят тадбиркор ва ишбилармонларининг иқтисодий тафаккурини оширишда фойдаланиш мумкин.

Магистрлик диссертацияси ишини бажариш орқали қуйидаги янгиликларга эришилди:

–тадбиркорлик субъектларининг иқтисодий муҳитдаги фаолияти ва уни давлат томонидан тартибга солишнинг назарий асослари атрофлича ёритилди;

–бозор иқтисодиёти шароитида иқтисодиёт тармоқларида тадбиркорликни давлат томонидан тартибга солиш бўйича мулоҳазалар юритилди;

–Ўзбекистонда тадбиркорлик фаолиятини давлат томонидан тартибга солиб боришдаги ўзига хос жиҳатлар ёритиб берилди;

–Наманган вилоятининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ва тадбиркорлар учун яратилган шарт-шароитлар таҳлил этилди;

–Наманган вилояти иқтисодиёти тармоқларида тадбиркорликни тартибга солишда юзага келган муаммолар аниқланиб, уларни ечимини топиш мақсадида белгилаб олинди;

–Наманган вилоятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ҳуқуқий бошқарувини ва давлат томонидан қўллаб-қувватлашни ошириш йўналишлари ишлаб чиқилди;

–иқтисодиёт тармоқларида тадбиркорлик фаолиятини такомиллаштириш учун шарт-шароитлар яратишга доир мулоҳазалар ёритиб берилди;

–кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари атрофлича ифода этилди;

–тадбиркорликни бошқариш ва рағбатлантириш бўйича Давлат дастурини амалга оширишни молиявий таъминлаш масалалари ёритилди.

Тадқиқотнинг услубий ва назарий асоси Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга оид асарлари; кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятига доир Ўзбекистон Республикасининг Қонунлари ва меъёрий ҳужжатлари; кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва унинг самарадорлигини ошириш бўйича чет эллик ҳамда маҳаллий олимларнинг илмий асарлари; республика миқёсида нашр этилаётган иқтисодий йўналишдаги журналлар ва рўзномалар ташкил этади.

Тадқиқотлар жараёнида Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Наманган вилоят статистика бошқармаси, Наманган вилоят савдо-саноат палатасининг маълумотларидан фойдаланилди.

Ишнинг тадқиқот натижаларини жорий қилиш. Диссертация ишининг асосий натижалари НамДУда бўлиб ўтган ёш олимлар ва талабаларнинг “XXI аср – интеллектуал авлод асри” шиори остидаги ҳудудий илмий-амалий анжуманида¹, Наманган муҳандислик-педагогика институти миқёсидаги ва Тошкент Молия Институтида ўтказилган халқаро² илмий-амалий конференцияларда муҳокама қилинди.

Нашр ишлари. мазкур диссертация юзасидан 0,8 босма табокдан иборат 3 та илмий иш нашр этилган.

Магистрлик диссертациясининг таркиби. Магистрлик диссертация иши кириш, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати қисмларидан иборат.

Магистрлик диссертация ишининг кириш қисмида мавзунинг долбзарблиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, унинг илмий янгилиги кўрсатилган ҳамда ишнинг амалий аҳамияти асослаб берилган.

Биринчи боб “Иқтисодиёт тармоқларида тадбиркорлик фаолиятини давлат томонидан тартибга солишнинг назарий асослари” деб аталди. Бу бобда тадбиркорлик субъектларининг иқтисодий муҳитдаги фаолияти ва уни давлат томонидан тартибга солишнинг назарий асослари ёритилди. Бозор иқтисодиёти шароитида иқтисодиёт тармоқларида тадбиркорликни давлат томонидан тартибга солиш масалалари талқин этилди. Шунингдек, Ўзбекистонда тадбиркорлик фаолиятини давлат томонидан тартибга солиб боришдаги ўзига хос жиҳатлар ифода этилди. Бобнинг якунида ушбу бобга тегишли қисқача хулоса берилди.

¹ Абдуллаев З. Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятининг ҳуқуқий жиҳатдан ривожланиши. // Ёш олимлар ва талабаларнинг “XXI аср – интеллектуал авлод асри” шиори остидаги ҳудудий илмий-амалий анжумани материаллари тўплами. 6-7 июнь, 2014. 326-329 бетлар.

² Шокирова Г., Абдуллаев З. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда аёлларнинг ўрни. // Халқаро илмий-амалий конференцияси материаллари тўплами: “Ўзбекистонда молиявий секторнинг ролини ошириш ва унда илғор хориж тажрибасидан фойдаланиш”. –Т.: II қисм, “Iqtisod-moliya”, 2015. 477-478 бетлар.

Иккинчи боб “Модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш даврида Наманган вилоятида тадбиркорликни давлат томонидан тартибга солиш” деб юритилди. Ушбу таҳлилий бобда Наманган вилоятининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ва тадбиркорлар учун яратилган шарт-шароитлар таҳлил этилди. Вилоят иқтисодиёти тармоқларида тадбиркорликни тартибга солишда юзага келган муаммолар аниқланди ва ўрганилди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ҳуқуқий бошқарувини ва давлат томонидан қўллаб-қувватлашни ошириш йўналишлари бўйича фикр-мулоҳазалар келтирилди. Боб якунида шу бобга тегишли қисқача хулоса келтирилди.

Учинчи боб “Иқтисодиёт тармоқларида тадбиркорликни давлат томони-дан тартибга солишни такомиллаштириш йўналишлари” деб қайд этилди. Унда иқтисодиёт тармоқларида тадбиркорлик фаолиятини такомиллаштириш учун шарт-шароитлар яратишга эътибор қаратилди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида фикрлар алмашилди. Тадбиркорликни бошқариш ва рағбатлантиришда Давлат дастурини амалга оширишни молиявий таъминлаш бўйича ишланмалар яратилди ва бобга доир қисқача хулоса ёзилди.

Магистрлик диссертация ишининг хулоса қисмида бажарилган илмий тадқиқот ишининг умумий натижалари ва диссертантнинг бу мавзуга оид аниқ фикрлари асосидаги хулосаларига кўра таклифлар берилган.

1-боб: Тадбиркорлик фаолиятини давлат томонидан тартибга солишнинг назарий асослари

1.1. Тадбиркорлик субъектларининг иқтисодий муҳитдаги фаолияти ва уни давлат томонидан тартибга солишнинг назарий асослари

Ҳозирги даврда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожланишига давлат томонидан катта эътибор қаратилад экан, ушбу секторни ривожланишига замин яратиб, шарт-шароитларни ҳуқуқий асосларни ишлаб чиқиш масаласи устувор вазифалардан биридир. Айниқса бир тизимдан бошқа тизимга ўтиш даврида, жумладан бозор иқтисодиёти даврида давлатнинг роли ҳар томонлама ортиб боради. Давлат бозор муносабатларини ривожлантиришга шарт-шароитлар яратиб, унинг субъектлари фаолиятини таъминлашга имкониятлар беради.


Бозор субъектлари таркибида тадбиркорлик субъектлари ҳам мавжуд бўлиб, Уларга тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи, бозор майдонида эркин ҳаракат қилувчи, жисмоний ва юридик шахслардан иборат хўжалик юритувчи кичик корхоналар ва микрофирмалар ҳамда давлат ташкилотлари таркибида ташкил этилган тадбиркорлик объектлари киради.

Бозор муҳитида фаолият кўрсатаётган тадбиркорлик субъектлари давлат механизми фаолияти асосида тартибга солиб борилади. Давлат механизми бозор механизмини инкор этмаган ҳолда иш олаиб боради. Ана шу шароитда тадбиркорлик субъектлари ўз фойдасини ёки ўз манфаатдорлигини ҳисобга олиб иш юритадилар. Тадбиркорлик субъектларининг бундай фаолиятлари инкор этилса, бозор тизимидаги иқтисодий хатти-ҳаракатлари мазмунсиз бўлиб, турли хил иқтисодий муаммолар юзага келиши мумкин.

Тадбиркорлик субъектларининг бозор муҳитидаги фаолиятлари туфайли улар билан бирга, уй хўжаликлари ўртасида иқтисодий алоқалар пайдо бўлади. Бундай алоқалар даромад ва харажатлардан иборат молиявий муносабатларни акс эттиради. Маълумки, кичик корхоналар ва микрофирмаларда ишчилар, ходимлар иш билан банд бўладилар. Бунинг

учун корхона ёки фирма раҳбарлари уларни иш ҳақи билан таъминлаб турадилар. Бундан ташқари турли тўловларни амалга ошириш жараёнлари ҳам шаклланадики, бунда тадбиркорлик корхоналари ва фирмалар ўз фаолиятларини юритишлари учун молиявий жиҳатдан қувватланадилар.

Тадбиркорлик фаолиятини юритишда ишлаб чиқариш омиллари жуда зарур. Чунки ишлаб чиқариш омиллари орқали тадбиркорлик асосида ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ёки бошқа шу каби қандайдир жараёнлар амалга ошади. Ишлаб чиқариш омилларининг таъминоти уй хўжаликларининг мавжудлиги билан характерланади. Кичик корхоналар, микрофирмалар ва фирмалар эса ишлаб чиқариш омилларини ишга солиб товар ва хизматлар яратадилар. Бозордаги товар ва хизматлардан уй хўжаликлари фойдаланадилар. Бу жараёнларни 1.1.1-чизмада акс эттирилган.



1.1.1-чизма. Ўзбекистон иқтисодиётида уй хўжаликлари билан фирмалар ўртасидаги доиравий айланиш¹

1.1.1-чизмадаги жараёнларда минглаб уй хўжаликлари, минглаб тадбиркорлик корхоналари ва фирмалар иштирок этади. Ишлаб чиқариш омиллари ичида энг муҳими меҳнат ресурслари бўлиб, улар орқали ва

¹ Чизма муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

уларнинг таъсиридагина муайян қиймат яратилади. Бу эса ишлаб чиқариш соҳасидаги режалаштириш ишларига кўп жиҳатдан боғлиқ.


Ишлаб чиқариш режаларининг бажарилиши саноат ишлаб чиқариш ходимлари таркибидаги структуравий ўзгаришларга ҳам боғлиқ. Йил давомида кичик корхона, микрофирма ёки фирма ходимлари таркиби ишга қабул қилиш ва бўшатиш ҳисобига ўзгариб туради. Бундай ўзгаришлар иш кучи обороти коэффициенти орқали ифодаланади: таҳлил этишда кадрларни тайёрлаш ва улар малакасини ошириш бўйича белгиланган тадбирларни бажарилиши назорат қилинади. Бунинг учун ишчиларни ўртача разряди аниқланади. Кадрларни қўнимсизлиги ишлаб чиқаришга салбий таъсир этади.

Бироқ, кадрлар иқтисодиётнинг турли тармоқларида фаолият кўрсатиб миллий иқтисодиётнинг ривожланишига туртки беради ва юксалиш томон ҳаракатлар юзага келади. 1.1.1-чизма уй хўжаликлари ва тадбиркорлик корхоналари ўртасидаги доиравий ҳаракатларни акс эттиради. Бу доиравий ҳаракатлар давлат томонидан қабул қилинган меъёрий ҳужжатлар асосида амалга оширилади. Шунинг учун ҳам макроиқтисодий муҳитнинг бундай доиравий ҳаракати

Миллий иқтисодиётимиз ривожланиб борар экан, ушбу доиравий ҳаракатларни давлат томонидан тартибга солиш зарурияти юзага келади. Бугунги кунда у ёки бу мазмунда давлатнинг бошқаруви зарур. Аммо шуни тушуниш керакки, давлат ўзининг воситалари билан бозор иқтисодиёти шароитида тадбиркорлик субъектлари ва уй хўжалиқларини тартибга солар экан, уларга қўлайликлар яратиш ва турли имтиёзлар ишлаб чиқиш орқали шароитларни яратиб бориши мақсадга мувофиқдир.

1.1.2-чизмадаги кўриниш бундан аввалги чизмага нисбатан мураккаброқдир. Чунки бу чизмада давлатнинг тартибга солиш механизмини акс эттирувчи жараёнлар ҳам ўз ифодасини топган. Чизмага кўра давлат уй хўжалиқларига турли тўловларни амалга оширади. Ўз навбатида тадбиркорлик субъектлари турли хил товар ва хизматларни давлат йўлида

яратади. аммо энг аввало ўз манфаатини кўзлайди. Бу билан тадбиркорлик субъектлари давлат хизматларини амалга оширган бўладилар. Лекин тадбиркорлик субъектлари давлат бошқарув идораларига масалан, солиқларни тўлаб бориш жараёни билан ҳам муносабатда бўладилар. Ўз навбатида давлат тадбиркорлик субъектларига турли тўловларни амалга ошириш орқали ёрдам беради. Бу ерда кўриниб турибдики, давлат ва уй хўжаликларининг ўртасидаёқ кичикроқ дўлса-да, аммо миллий иқтисодиётнинг ривожланиши учун зарур бўлган доиравий айланиш мавжуд.



1.1.2-чизма. Ўзбекистон иқтисодиётида давлат, уй хўжаликлари ва тадбиркорлик субъектлари ўртасида доиравий айланиш¹

Уй хўжаликлари орқали давлатга ишлаб чиқариш омиллари етказиб берилади. Бу билан уй хўжаликлари давлат хизматларидан фойдаланишга эришадилар. Уй хўжаликлари томонидан ҳам солиқлар тўлаб борилади. Худди «давлат-фирма»лар ўртасидаги иқтисодий доиравий айланиш каби бу

¹ Чизма муаллиф томонидан ишланди.

ерда ҳам доиравий айланиш мавжуд. Давлат бошқарув идоралари уй хўжаликларини ва кичик тадбиркорлик субъектларини тартибга солиб туриш учун ўзининг иқтисодий воситаларини ишга солади.

Эндиликдаги тушунтириладиган вазиятлар 1.1.1-чизмадагидек ҳолатга ўхшайди. 1.1.2-чизмада ҳам уй хўжаликлари тадбиркорлик субъектларига ишлаб чиқариш омилларини етказиб берадилар, яъни фирмалар уй хўжаликларидан ишлаб чиқариш омилларининг манбаси сифатида фойдаланиши мумкин. Ўз навбатида тадбиркорлик субъектлари турли товар ва хизматлар ассортиментини ишлаб чиқариб бозор орқали уй хўжаликларига таклиф қиладилар. Шу билан бирга уй хўжаликлари субъектларига иш ҳақини ҳам тўлаб борадилар. Чунки уй хўжаликлари маълум вақт ўзининг меҳнатини фирмаларга ўтказиб, у ердаги ишлаб чиқариш жараёнида қатнашади.

Меҳнат ҳақи жамият қўламида Миллий даромаднинг ишчилар ва хизматчилар ўртасида улар меҳнатини миқдори ва сифатига мувофиқ тақсимланадиган ҳамда шахсий истеъмоли мақсадлари учун фойдаланиладиган қисмидир. Тадбиркорлик корхоналарида меҳнатга ҳақ тўлашдан меҳнат унумдорлигини оширишни, фан техника тараққиётини жадаллаштиришни, маҳсулот сифатини яхшилаш ва ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишни энг муҳим воситаси сифатида фойдаланилади. Бунинг эвазига уй хўжаликлари корхона ва фирмаларга муайян тўловларини амалга оширадилар.

1.1.2-чизмада иқтисодий муносабатлар муайян субъектлар ўртасида амалга ошаётганлиги ва бунда бир эмас, балки чексиз доиравий ҳаракатлар мавжуддир. Бундай доиравий ҳаракатлар миллий иқтисодиётни ривожланиши учун кенг шароитларни яратади. Демак, Давлат, тадбиркорлик субъектлари ва уй хўжаликлари ўртасида ўзаро манфаатли иқтисодий алоқалар ўрнатилиб, жамиятнинг тараққиёти ҳам у ёки бу мазмунда шу каби алоқаларнинг узлуксизлигига кўп жиҳатдан боғлиқдир.

Тадбиркорлик фаолиятининг келажаги бозор талабига, унинг истиқболини белгилаш имкониятлари ва қобилятига, бозор таъсирига берилувчанлик даражасига боғлиқ бўлади. Иқтисодиётнинг нотекис ривожланиши, ишлаб чиқариш ҳажмининг ва маҳсулот сотишнинг барқарор эмаслиги инқирозли вазият кўринишида характерланади ва унга кўнгилсиз ҳолат сифатида ёндошмасдан, балки буни бозор иқтисодиётига хос бўлган, умумий қонуният деб тушуниш лозим.

Профилактик тадбирлар кўрилмаганлиги оқибатида юзага келган инқирозли вазият кичик корхона ёки микрофирма иқтисодиётининг ҳаддан ташқари издан чиқишига, ишлаб чиқариш жараёнини молиявий таъминлай олмаслик ҳолатига олиб келадики, бу ҳолат фирманинг банкротлиги сифатида талқин этилади. Инқирозли вазиятни бартараф этиш учун махсус чоралар кўрилиши талаб этилади, ёки тадбиркорлик фаолияти тўхтатилади (тугатилади) ва бундай вазият, жаҳон тажрибасидан маълум бўлишича, тасодифий эмас. Кўплаб, айниқса янги ташкил этилган тадбиркорлик субъектларининг банкрот бўлиши барча мамлакатларда кузатилади.

Инглиз тадқиқотчилари таъкидлайдиларки, янги тадбиркорлик субъектларининг 70-80%и ўз фаолиятларини иккинчи йилнинг якунига бориб тўхтатадилар. Ҳар бир микрофирма учун ўз фаолиятининг ривожланиш чегараси мавжуд. Бунда айнан бир жараён, ҳам ривожланиш омили бўлиши ва айти пайтда ривожланишга тўсқинлик қилиши мумкин. Америкалик тадқиқотчилар инқирозга юз тутиш ва ривожланиш, инқирозли вазиятлар ва банкротликнинг келиб чиқишида муайян қонуният борлигини таъкидлайдилар: биринчидан, фирма яшовчанлик циклининг барча босқичларида даврий равишда инқирозли вазиятларнинг пайдо бўлиб туриши, иккинчидан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик учун хос бўлган ривожланишнинг жадаллашуви ва сусайиши даврларини математик йўл билан аниқланганлиги. Хусусан, тадқиқот ўтказилган Америка фирмаларининг ривожланиш фазаси ўртача 3 йил (1,1 дан 7,7 йилгача) давом этади, сусайиш фазаси эса ўртача 2,8 йилни (1 дан 4 йилгача) ташкил этади.

Юз йиллар давомида ғарб мамлакатлари ривожланишининг асоси бўлиб келган бозор иқтисодиёти корхоналарни тўла инқирозга юз тутишдан ҳимоялаш, диагностика ва назорат тизимини ёки банкротлик ҳамда фирмаларни қўллаб-қувватлаш тизимини вужудга келтирди.

1.2. Бозор иқтисодиёти шароитида иқтисодиёт тармоқларида тадбиркорликни давлат томонидан тартибга солиш

Бозор иқтисодиёти тизимида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик сектори бозор муҳити билан ҳисоблашиб, савдо, хизмат кўрсатиш ва ишлаб чиқаришни амалга оширади. Чунки бозор иқтисодиёти тизимида амал қиладиган бозор қонуниятлари, яъни талаб ва таклиф қонуниятлари «нимани, қандай, қанча, ва ким» учун ишлаб чиқаришни белгилайди. Давлат айнан шу муаммони ечимини топишга тадбиркорлар учун ҳуқуқий шарт-шароитлар яратади.

Бозор иқтисодиёти шароитларига тобора ўтиб борар эканмиз, бозорда мавжуд талаб ва таклиф, рақобат, қиймат қонуниятлари инкор этиб бўлмайди. Товар ишлаб чиқарувчи тадбиркорлар ва ишбилармонларга иқтисодий шарт-шароит яратиш нуқтаи назаридан давлат ўз вазифасини бажариб боради.

Ҳозирги замон иқтисодиётини ривожлантиришда давлат муҳим аҳамиятга эга, айниқса бир тизимдан бошқа тизимга ўтиш даврида, жумладан бозор иқтисодиёти даврида унинг роли ҳар томонлама ортиб боради. Айниқса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш нуқтаи назаридан олганда, ушбу секторни ривожланишига замин яратиб, шарт-шароитларни ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқиш масаласи устувор вазифага айланди.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, тараққиётнинг ўз йўлини танлади. Аниқроғи ўзбек модели асосидаги тамойиллар асосида ривожланиб борди. Ҳозирги кунда жаҳон миқёсида Ўзбекистонни ривожланиш йўлида танлаб олинган беш тамойилларнинг биринчиси «иқтисодиётни сиёсатдан

устуворлигини таъминлаш» бўлиб, энг аввало иқтисодий муаммоларни ҳал этиш устувор вазифамизга айланди. Бозор иқтисодиёти шароитида инсон энг аввало иқтисодий жиҳатдан муайян таъминотга муҳтож бўлмаслик кераклиги уқтирилди. Бунда эса кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик билан шуғулланиш муҳим аҳамият касб эта бошлади.

Бозор иқтисодиётига ўтишнинг илк даврларида нарх-навонинг ўзгариши, инфляциянинг, ишсизлик ва бошқа бир қатор муаммолар юзага келдики, уларни бутунлай бартараф этиб бўлмайди.

1.2.1-жадвал

Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг иқтисодиётнинг тармоқларидаги улуши (якунига кўра %ларда)¹

Номланиши	2004 йил	2005 йил	2006 йил	2007 йил	2008 йил	2009 йил	2010 йил	2011 йил	2012 йил	2013 йил	2014 йил
ЯИМ	35,6	38,2	42,1	45,7	48,2	50,1	52,5	54,0	54,6	56,0	56,0
Саноат	10,1	9,4	10,0	13,2	13,9	16,9	18,8	21,0	23,1	28,1	31,1
Қишлоқ хўжалиги	81,1	85,7	93,9	97,5	98,7	97,9	97,9	97,9	97,8	98,1	99,1
Қурилиш	49,8	48,2	51,0	55,4	58,5	41,6	54,3	69,0	71,1	71,5	71,9
Чакана савдо	42,2	43,7	45,3	48,2	47,2	46,5	50,3	47,0	45,6	46,1	46,5
Хизмат кўрсатиш	47,9	52,5	50,8	50,1	49,1	48,7	47,2	46,4	46,8	48,9	48,9

Бозор иқтисодиётига ўтишда давлатнинг устувор вазифаларидан бири бозор қонуниятларини ишга тушуриш, шунингдек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, унинг фаолияти учун шарт-шароитлар яратишдир. Ислохотларнинг ҳар бир жабҳасида давлатнинг бош

¹ 2010-2011 йилларга тегишли маълумотлар <http://library.ziyounet.uz/uploads/books/49959/5423ab089f61c> сайтидан олинган. 2012-2013 йиллар www.stat.info.uz сайтидан олинган. 2014 йил маълумотлари 2014 йилнинг 01.10.14 ҳолатига тўғри.

ислохотчилик вазифасини бажариб боровчи омил ва воситаларни ишга тушириш талаб этилади.

Республика Президенти И.А.Каримовнинг қатор асарларида «мураккаб ўтиш даврида давлатнинг ўзи бош ислохотчи бўлиши зарур» деб бежиз қайд этилмаган¹. Аниқроғи, давлатнинг ўзи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришдан манфаатдордир. Ҳозирги кундаги глобаллашув жараёнларида давлатнинг турли иқтисодий тизимлардаги вазифалари, тартибга солиш механизми ва ўрни каби масалалар жаҳон иқтисодчи олимлари томонидан ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан кенг муҳокама этилиб, турли мунозараларга сабаб бўлмоқда.

Ривожланган мамлакатлар иқтисодиётида ҳам давлат жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожига катта таъсир кўрсатган. Ҳар бир мамлакат иқтисодиётининг ривожланишида давлатнинг роли аниқ намоён бўлиб, бозор муносабатларини тартибга солиб борган. Давлатнинг бундай вазифасини биринчи бўлиб англаган иқтисодчи олим Дж. Кейнс бу борада салоҳиятли ишларни амалга оширган. Хусусан, 1929-1933 йилларда АҚШда юз берган “Буюк инқироз”ни олдини олиш учун давлатнинг иқтисодиёт тараққиётига аралашшини кўрсатиб, бозор муносабатларидаги жараёнларни давлат томонидан тартибга солиш механизми билан тўлдириш зарурлигини айнан Кейнснинг ўзи кўрсатиб берганди².

Эътироф этиш керакки, бозор механизми иқтисодиётни тез суръатларда ривожланишига олиб келсада, жамият ҳаётининг орқага кетишига сабаб бўлувчи инқирозларни ҳам келтириб чиқариши мумкин. Шунинг учун ҳам бозордаги беқарорликнинг иқтисоддаги ҳалокатли оқибатларидан сақлаш мақсадида давлат бозорнинг истиқболини белгилаш, дастурлар механизмини ишлаб чиқишга ҳаракат қилади³.

¹ Қаранг: Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. –Т.: Ўзбекистон, 16-20 бетлар

² Қаранг: Амалий иқтисодиёт: /Ўқув қўлланмаси/ Таржимонлар И.Фозилов ва бошқ. –Junior Achievement. –Т.: Шарқ, 1996. 156 бет.

³ Қаранг: Биздан озод ва обод Ватан қолсин. –Т.: Ўзбекистон, 1994. 39 бет.

Давлат тасарруфидан чиқариш жараёни давлатнинг хўжалик функцияларини камайтиришга, бозорни ҳаракатга келтирувчи воситалар ролини мустаҳкамлашга қаратилади. Бу нарса давлат секторида иқтисодий ҳокимиятнинг марказлашуvidан воз кечиш ва авваллари самарасиз деб ҳисобланган соҳаларга рақобат механизмини жорий этишни назарда тутди². Рақобатни ривожланиши кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожланишига ижобий таъсир кўрсатувчи воситадир. Рақобат асосида мазкур секторнинг ривожланиши авж олиб тезлашади. Бироқ бу соҳани ҳам давлат томонидан тартибга солиш чора-тадбирлари кўрилган бўлиши керак.

Фикрларимизча, инсонларнинг фаровонлиги, миллатнинг тақдири, давлатнинг тақдири мамлакатнинг иқтисодий ривожига билан узвий боғлиқдир. Иқтисодиёт борасидаги муваффақиятлар даражаси мамлакатнинг жаҳон бозорида ўз мавқеини мустаҳкамлаб, аҳоли фаровонлигини ошириб боришни ёки тобора бошқа мамлакатлардан орқада қолишини белгилайди. Бунда ҳам кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик учун кенг имкониятларни яратиш билан боғлиқ бўлган масалалар алоҳида ўрин олади.

Натижада давлатнинг иқтисодий фаолиятида мақсад қилиб белгиланган йўл жамиятнинг иқтисодий, ижтимоий ривожланишидаги самарадорлик, тенглик ва барқарорлик тамойилларининг амалга ошишида акс этади. Ушбу тамойилларни жорий этиш доимо ўзгариб бораётган технология асосида кўплаб товар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш учун шароит яратишни, чекланган ишлаб чиқариш ресурсларидан фойдаланганда сарф-харажатларни камайтиришни, жаҳон бозорида ўз мавқеини мустаҳкамлашни, янги иш ўринлари яратишни тақозо этади. Бу эса барча турдаги хўжалик фаолияти учун, истеъмолни сотувчига иқтисодий эркинликни назарда тутди.

Ҳар қандай мамлакатда давлатнинг иқтисодиётни тартибга солишдаги роли унинг функциялари орқали намоён бўлади. Бу функциялар турли-туман бўлиб, унинг энг аҳамиятлилари қуйидагилардир: иқтисодиётнинг ҳуқуқий

² Қаранг: Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. –Т.: Ўзбекистон, 2005. 49-53 бетлар.

асосларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш (Олий Мажлисида мулкчилик, ер, солиқ, нафақалар, кооператив ва бошқа конунлар бўйича ўтган музокараларни эслайлик), яъни давлат ўзининг парламенти ва ижро ҳокимияти тизимлари орқали корхоналар ва аҳолининг бозордаги “ўйин қоидалари”ни¹ белгилаб беради. Агар биз бу қоидаларга амал қилсак, конунлар барқарор характерга эга бўлади.

Алоҳида қайд этиш керакки, ҳозирги глобаллашув жараёнларида ҳам мамлакатда олиб борилаётган иқтисодий ислохотларни бошида давлатнинг ўзи бош бўлмоқда. Бугунги кунда давлатнинг ижтимоий ва иқтисодий қўламдаги кўмаги бекиёс бўлди, десак хато қилмаймиз. Масалан, ялпи миллий маҳсулотда давлат харажатлари ва даромадларининг ҳиссаси ошиб борапти, солиқ тизимида такомиллашган услублар қўлланилиб, солиқлар ўсмоқда, тадбиркорлик тизимида давлат алоҳида эътибор бериб бормоқда.

Кўриниб турибдики, миллий иқтисодиётнинг ривожланиш ва тараққиёт йўлида давлатнинг роли катта. Давлат солиқлар ёрдамида тадбиркорлик ва кичик бизнес субъектларига катта имкониятларни яратиб бормоқда. Натижада ижтимоий муҳит ҳам тобора барқарорлашиб бормоқда.

Фикримизча, давлатнинг бошқарув функциялари ва чора-тадбирлари ҳар бир мамлакатда ўзига хос хусусиятларга эга бўлади. Давлат бошқарувининг асосий воситаларига: фискал сиёсат, пул сиёсати, даромадларни бошқариш сиёсати, ташқи иқтисодий сиёсат ва ижтимоий сиёсатлар киради. Давлат бошқарувининг ҳар бир воситаси ўз вазифасини бажаради ва бир-бирини тўлдиради³. Булар ўзаро бирикиб, бутун бир мамлакат иқтисодиётига у ёки бу даражада таъсирини кўрсатади.

Хусусан, ҳукумат харажати ва солиқлар соҳасидаги сиёсат, фискал сиёсат деб юритилади. Бундай сиёсат давлат харажатлари орқали давлат сектори ва ижтимоий таъминотга маблағ ажратишга имкон беради.

¹ Самуэльсон П.А., Нордхаус В.Д. Экономика: Пер. с англ. –М.: «Лаборатория Базовых Знаний», 2000. 323 стр.

³ www.cer.uz. – Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт Вазирлиги ҳузуридаги Самарали иқтисодий сиёсат маркази расмий сайти.

Шунингдек, ресурс, товар ва хизмат кўрсатиш бозорида ҳам харидларни амалга оширишга шарт-шароит яратади⁴.

Бир томондан, ҳукумат харажатлари давлат даромадларини шакллантирса, иккинчи томондан эса, истеъмолчи ва маҳсулот ишлаб чиқарувчига рағбатлантирувчи таъсир кўрсатади. Солиқ солиш орқали бозорда умумий талабни ва ялпи миллий маҳсулот ҳажмини тартибга солиш мумкин. Солиқлар жамиятнинг ривожланишига мослаштириб борилади ва шу билан бирга давлат даромадини тушиб кетишига йўл қўймаслиги керак. Демак, солиқларнинг оқилона чегарада белгиланиши, ҳам мамлакат иқтисодиёти учун, ҳам аҳолининг фаровонлиги учун жуда муҳим ҳисобланади.

Ўзбекистонда давлат томонидан тартибга солишнинг асосий воситаларидан бири солиқ тизимининг ривожланишидир. Иқтисодиётнинг турли тармоқларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожланиши миллий иқтисодиётни барқарорлашувига олиб келади.

Солиқ тизими орқали миллий иқтисодиётнинг турли тармоқлардаги кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари тартибга солиб борилади. Бугунги кунда тадбиркорлар учун имтиёзли солиқлар белгиланган. Аммо турли тармоқлар ўртасидаги пропорционалликни таъминлашга эътибор қаратиш лозим. Чунки саноат соҳасида фаолият кўрсатаётган кичик бизнес субъектлари миқдор жиҳатдан бошқа тармоқларга тегишли ҳудди шундай субъектларга кўра камдир. Айни даврда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари савдо ва умумий овқатланиш тармоғида миқдор жиҳатидан кўпдир. Демак, давлат томонидан янада тартибга солиш чораларини кўриш, ҳамон долзарблик касб этади.

Фикримизча, солиқ солиш объектларида ставкаларни турлича қўллаш услубларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Ҳозирги кунда саноат, моддий-техника таъминоти, геология, фан ва молия тармоқларида фаолият

⁴ Макконелл К.Р., Брю С.Л. Экономикс: Принципы, проблемы и политика. Пер. с.англ. Т.1. –Т.: 1992. 242 стр.

кўрсатаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари учун солиқ ставкаларининг энг минимал даражасини қўллаш имкониятларини яратишимиз лозим ва бу жараёнлар амалда намоён бўляпти.

Давлат томонидан пул муомаласи сиёсати ҳам юритилади. Бу дегани, пул миқдорига таъсир кўрсатиш орқали фоиз сиёсатига, унинг натижасида корхона сармоялари ва аҳолининг истеъмоли даражасига таъсир кўрсатишдир. Инфляцияга қарши олиб бориладиган тадбирларда пул сиёсати катта рол ўйнайди¹, яъни, пулнинг қадрсизланишини олдини оладиган имкониятларни яратади.

Маълумки, иқтисодиётнинг турли тармоқларида яратиладиган маҳсулотлар ҳажмига тенг миқдорда пул обороти ҳам бўлиши керак. Ушбу қонуният бажарилиши керак. Акс ҳолда бозорга кириб келган янги маҳсулотларнинг маълум бир қисми пул билан таъминланмайди. Бу эса ўз навбатида истеъмолни пасайтиради, тўлов ликвидлигига салбий таъсир кўрсатади. Аҳолининг ликвидлилик даражасини пасайиши эса турмуш даражасининг тушушига олиб келиши мумкин. Шунинг учун давлат томонидан тартибга солиш масалаларида пул муомаласи сиёсатининг юритилиши жуда муҳим.

Инфляцияга қарши курашнинг асосий воситаларидан бири – даромадни тартибга солиш сиёсатидир. Бундай сиёсат юритиш орқали аҳоли ва корхоналарнинг пулга бўлган талабини тартибга солишга эришилади². Инфляция даражасининг кучайиши, аҳолининг пулга бўлган талабининг кучайишига олиб келади. Ўзбекистонда инфляция даражасини пасайтиришга қаратилган чора-тадбирлар доимо кўриб борилади. Лекин шундай бўлса-да, инфляцияни бутунлай бартараф этиб бўлмайди. Масалан, 2014 йил якунлари бўйича республикада инфляция даражаси 6,1 фоизни³ ташкил этди. Бу

¹ Макконелл К.Р., Брю С.Л. Экономикс: Принципы, проблемы и политика. Пер. с.англ. Т.1. –Т.: 265-271 стр.

² Макконелл К.Р., Брю С.Л. Экономикс: Принципы, проблемы и политика. Пер. с.англ. Т.1. –Т.: 279 стр.

³ Каримов И.А. 2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир.

прогноз кўрсаткичларига нисбатан сезиларли даражада паст эканлигини кўрсатди.

Жумладан, жаҳон молиявий-иқтисодий инқироз даврида ҳам ривожланган мамлакатлардаги инфляция даражалари билан солиштирганда Ўзбекистонда инфляция даражаси анча паст бўлди. Бунинг асосий сабаби, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасига эътиборни жиддий қаратилиши бўлди. Шунингдек, банк-кредит сиёсатининг оқилона олиб боришда давлат бош ислохотчилигини мукаммал амалга оширди.

Ўзбекистонда инфляцияни олдини олиш, ишсизликни бартараф этиш, аҳоли даромадларининг ўсиш суръатларини сақлашга йўналтирилган чора-тадбирлар ҳар йили кўриб борилади. Бунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик секторига бўлган давлат сиёсатидаги эътиборнинг алоҳида эканлиги муҳим аҳамиятга эга.

Давлат томонидан тартибга солишда ижтимоий сиёсатнинг ҳам ўрни бор. Ижтимоий сиёсат – кам таъминланган оилаларга ёрдам кўрсатиш дастурларини амалга оширишга, уларни инфляция оқибатларидан ҳимоя қилишга йўналтирилган. Ўзбекистонда кучли ижтимоий сиёсатнинг олиб борилиши ўрта синфни шаклланишига қулай муҳитни яратиб берди. У таълим, тиббиёт, маданият, кўп болали оилаларга ёрдам, бандлик сиёсати соҳаларини ҳам ўз ичига олади.

Мамлакат иқтисодиётининг очик иқтисодиётга асосланар экан, давлат томонидан тартибга солишда ташқи иқтисодиёт сиёсат юритиш зарур. Ташқи иқтисодий сиёсат – ташқи иқтисодий алоқаларни тартибга солиш, давлатни савдо сиёсатини, валюта алмаштириш курсини тўғри йўлга қўйишни, ташқи савдо таъриф ва квоталар тизимини, ташқи савдо лицензиясини ўз ичига олади. Давлат томонидан ташқи иқтисодий сиёсатнинг самарали юритилиши бошқа мамлакатлар билан ўзаро иқтисодий алоқаларни мустаҳкам олиб боришни билдиради.

Давлатнинг асосий мақсади – макроиқтисодий вазифаларни белгилашдир. Давлат корхоналар қандай бўлишидан қатъий назар уларнинг

хўжалик ҳаётига аралашмайди. Ҳар қандай корхона бозордаги талаб ва таклиф кўламига қараб ўзини бошқариб бориши табиий. Бозор шароитида маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхона фаолиятининг йўналишлари бўйича барча маълумотни ресурслар, маҳсулотлар ва хизмат кўрсатиш учун нарх-наво тизими орқали олади. Бунда маркетинг тизим муҳим аҳамият касб этади. Ишлаб чиқарувчилар талаб ва таклиф асосида маҳсулот чиқариб, улар ўртасида рақобат кучаяди. Булар умумий ҳолда бозор механизмини самарали фаолият кўрсатиши учун асосий ва белгиловчи омил бўлиб ҳисобланади.

Хулоса шуки, ҳар қандай мамлакатда ислохотларни амалга оширишда давлат тизими ва унинг таркибини ташкил этувчи бошқарувчи органлар етакчилик қилиши керак. Фақат давлатгина жамиятни ривожланишига иқтисодиётдаги номутаносибликни бартараф этишга, бюджет, молия ва солиқ сиёсатини моҳирона ва одилона амалга оширишга имконият яратувчи кучга эга. Бозор иқтисодиётида давлат томонидан тартибга солиш, режалаштириш ва бошқариш шарт-шароитлар яратиш, буларнинг ҳаммаси мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнини амалга оширишга олиб келади. Бу эса ўз ўзидан тадбиркорликни ривожлантиришга олиб келадиган муҳитни ҳам яратади.

1.3. Ўзбекистонда тадбиркорлик фаолиятини давлат томонидан тартибга солиб боришдаги ўзига хос жиҳатлар

2015 йил бошига келиб, Ўзбекистонда ҳам кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 56%ни ташкил қилди. Бунга жуда қисқа муддатда эришилди. Албатта бунинг учун ҳукуматимиз томонидан олиб борилаётган сиёсатнинг салмоқли кўламини алоҳида эътироф этиш керак. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар тобора ўзининг ижобий натижаларини бериб, миллий иқтисодиётни гуркираб ривожланишига олиб келмоқда.

Ўзбекистонда бозор муносабатлари ривожланиб борар экан, бозор иқтисодиётида давлат томонидан кўрилатган чора-тадбирлар ижтимоий ҳимоя, атрофдаги муҳит муҳофазаси, инсон кадрини, демократияни ҳимоя қилиш ва бошқаларга қаратилгандир. Шу билан бирга, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашнинг алоҳида ўзига хос қонун-қоидалари ишлаб чиқилган. Тадбиркорлик фаолиятининг мақсадлари ва вазифалари бевосита бозор тамойилларидан келиб чиқади. Иқтисодиётнинг барча тармоқларида тадбиркорликни ривожлантиришнинг тенденциялари шакллантирилган. Тадбиркорлик фаолиятини давлат томонидан тартибга солишнинг муҳим томони уни самарали бошқариб боришдир. Тадбиркорликни бошқариш моҳият эътибори билан олганда мақсадга эришиш йўлида қилинадиган хатти-ҳаракатларни жонлантириш учун бир шахс ёки шахслар гуруҳи томонидан бошқа шахсга ижобий таъсир ўтказишдан иборат.

Иқтисодиёт тармоқларида тадбиркорликни давлат томонидан тартибга солиш ва бошқариш уч жихатни ўз ичига олади:

1. “Кимни” “ким” бошқаради? Бу нарсa бошқарув вазифалари, бошқарув органлари вазифаларининг ижросини таърифлайди. Иккинчидан, шахсларни ва қарорларга алоқадор воситачи кишиларни ким бошқариб бориши шу йўл билан аниқланади.

2. Бошқарув “қандай” амалга оширилади ва бошқариладиган кишиларга у қай тариқа таъсир ўтказади?

3. Бошқарув “нима” билан амалга оширилади? Тадбиркорликни бошқаришнинг муҳим вазифаси тадбиркорлик сиёсатини белгилашдир. Тадбиркорлик фаолиятининг сиёсати барча норматив талаблар ва шу талабларни амалга ошириш усуллариини ўз ичига олади.

Тадбиркорлик фаолиятининг самарали бўлишида тадбиркорлик муҳити омилларини тадқиқ этиш муҳим ўринни эгаллайди. Тадбиркорлик муҳити дейилганда, фирманинг фаолият кўрсатиб боришига таъсир ўтказадиган ва бошқарувга оид қарорлар қабул қилишнинг талаб этадиган шарт-шароитлар

ва омиллар бор, йўқлиги тушунилади. Тадбиркорлик муҳитининг ички ва ташқи омиллари тафовут қилинади. Ички муҳит дейилганда фирма томонидан олинadиган фойдани кўпайтиришга қаратилган бошқарув механизмини ўз ичига олувчи хўжалик фаолияти тушунилади. Муайян корхона ёки яққа тадбиркорлик фаолияти даражасидаги бошқарувда ички муҳит масалалари ўзига хос долзарб ҳисобланади.

Тадбиркорликнинг ташқи муҳити дейилганда, ракобатчи фирманинг фаолиятини қатъий назар атрофидаги муҳитда юзага келадиган, лекин унинг иш олиб боришга таъсир ўтказадиган барча шарт-шароитлар ва омиллар тушунилади. Бунда тадбиркорликка кўпроқ ташқи кучлар таъсири сезиларли бўлади. Ташқи муҳитнинг муаммолари макроиктисодий муаммоларни таркибий қисмидир. Бундай муаммоларни ҳал этиш масалаларига тадбиркорнинг ўзи ожизлик қилади. Ушбу муаммолар давлат кўмаги билан ҳал этиладиган мураккаб иқтисодий жараёнлардан иборат.

2014 йилнинг якунига тегишли статистик маълумотларга кўра Ўзбекистон бизнес фаолиятини юритишни енгиллаштиришга доир ўтказилган ислохотларнинг миқдори жиҳатидан биринчи ўнналикка киритилган давлатга айланди¹.

Дарҳақиқат, давлат миқёсида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ижтимоий кўринишдаги энг муҳим самараларидан бири – ўтиш даврида камбағаллик муаммоларининг кескинлашувига чек қўйиш бўлди. Маълумки, бозор иқтисодиётига ўтаётган барча мамлакатлар иқтисодиётининг дастлабки босқичларида ишлаб чиқариш ҳажмининг пасайиши, ишсизликнинг ўсиши, аҳоли турмуш даражасининг пасайиши ва унинг номутаносиб авж олиши кузатилган. 1994–1995 йилларда Ўзбекистон аҳолисининг ўртача жон бошига тўғри келадиган пул даромадлари қарийб тенг ярмига камайиб кетди.


Джинни коэффиценти 1991 йилдаги 0,26 дан 1996 йилда 0,32 га қадар кўпайди. Бироқ, худди шу даврларда мулкни давлат тасарруфидан чиқариш

¹ Қаранг: Деловой климат. // “Народное слово” рўзномаси. 13 февраль 2015 йил.

ва хусусийлаштиришнинг жадал амалга оширилиши ва кўпмулкчиликка ҳуқуқий мақом берилиши юқоридаги вазиятни, яъни мамлакатда камбағаллик муаммоларининг юмшатилишига олиб келди.

1995 йилдан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўйича ҳуқуқий асослар мустаҳкамланиб борди. Бир қатор меъёрий ҳужжатларга ўзгартиришлар киритилдики, кичик бизнес субъектларининг фаоллиги таъминланди.

Ҳозирги кунда давлат сиёсатидаги динни коэффицентининг кўпайишига йўл қўймаслик ва уни пасайтиришга бўлган асосий чора-тадбирлар ишлаб чиқилган. Ана шундай тадбирлардан бири кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари сонини кўпайтириш ва уларнинг ўзаро рақобат муҳитидаги фаолиятини таъминлашдан иборат бўлди.



1.3.1-чизма. Ўзбекистон иқтисодиётининг ўсиш суръатлари¹

Таҳлиллардан кўриниб турибдики, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари фақат ўз ишлаб чиқариш – молия фаолияти билан

¹ Чизма муаллиф томонидан Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

бевосита боғлиқ масалаларнигина эмас, балки ижтимоий муаммоларни ҳал этишга ҳам муносиб ҳисса қўшади.

Эътироф этиш керак, иқтисодиёт тармоқларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан тартибга солиш ва бошқаришнинг асосий вазифаси омиллар таъсирининг табиати ва даражасини аниқлаб, тадбиркорлик фаолиятининг самарали амалга ошириши ва ривожини таъминлашга қаратилган қарорлар қабул қилишдир. Шу мақсадда тадбиркорлик муҳити омиллари қуйидаги жараёнларда:

- маркетинг тадқиқотлари ва маркетинг дастурларини ишлаб чиқишда;
- бизнес-режа кўрсаткичларини ишлаб чиқаришда;
- оператив бошқаришда;
- хўжалик фаолияти натижаларини назорат қилиб бориш жараёнида мунтазам таҳлил қилиб борилади.

Республикамизда иқтисодий ислохотларни амалга оширишга асосий мақсад – бозор муносабатларни ташкил этиш, бозорни турли-туман зарур товар ва хизматлар билан тўлдириб, истеъмолчиларни саралаб товар харид қилишига кенг имкониятлар яратиш, пировард натижада халқнинг фаровон турмуш шароитини таъминлашдан иборат.

Мамлакат аҳолисининг фаровон турмушини яратишда, кенг истеъмол товарлар билан бозорни тўкин сочин қилишда, аҳолига турли-туман хизматлар кўрсатишни ташкил этишда тадбиркорликнинг ҳам ўз ўрни бор. Чунки тадбиркор қанча ривожланса, моддий ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш ҳам шунчалик ривожланади.

Миллий иқтисодиётнинг тармоқларида фаолият кўрсатаётган кичик бизнес ва хусусий корхоналари миқдор жиҳатдан тобора кенгайиб борар экан, бунда кадрлар салоҳияти ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлди. Дарҳақиқат кичик бизнес субъектлари учун кадрлар тайёрлаш бўйича белгиланган чора-тадбирлар жиддий амалга оширилди. Тадбиркорлик корхоналари учун кадрлар тайёрлашни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тадбирларида

хорижий мамлакатлар билан тажриба алмашилишгача бўлган имкониятлар яратилди. Давлат тадбиркорлик корхоналари учун кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини ривожлантиришни таъминлайди. Қишлоқ жойлардаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик учун кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш билан шуғулланувчи муассасалар ва ташкилотлар меъёрий (қонун) ҳужжатларида бир қатор имтиёзлар белгиланди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг иқтисодий тараққиётга таъсирини кўрсатувчи жиҳатлардан бири, аynиқса, ишлаб чиқариш таркибида сифат устунлигига эришиш, республикада импорт маҳсулотлар ўрнини босадиган товарлар ва янги турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш доирасини кенгайтирди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожлантирилиши натижасида мамлакатимизда қуйидаги ижобий жараёнлар рўй бермоқда:

- халқ истеъмол молларининг тури кўпаймоқда;
- янги соҳалар фаолияти йўлга қўйилмоқда;
- ишсизлик даражасининг пасайишига эришилмоқда;
- макроиқтисодий кўрсаткичлар барқарорлашиб, иқтисодиётнинг мутаносиблиги тобора ошмоқда;
- давлат бюджети ва тўлов балансининг профицит билан бажарилишига эришилмоқда;
- экспорт ва олтин-валюта захираларининг кўпайиши таъминланмоқда;
- аҳолининг турмуш даражаси ободлашиб, аҳоли таркибида бизнес элита қатламининг кенгайиши рўй бермоқда.

Фикримизча, Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ички ва ташқи омиллар таъсирида ривожланиб борапти. Агар 1997 йил бошида республика бўйича олганда 45,9 минг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари (фермер хўжаликлари билан бирга) фаолият кўрсатган бўлса, 2015 йил бошига келиб, бундай субъектлар сони (фермер

хўжаликларисиз ҳисоблаганда) 195 мингдан ошди. Шу билан бирга монопол корхоналарнинг сони 2013 йил бошига тегишли ҳолатга кўра 71,2 фоизга камайди¹. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари ҳажми сўнгги йилларда 22%га кўпайди. Чет эл кредитларини, инвестицияларини жалб қилиш, бозор муносабатларининг кучайиши, бозор инфратузилмасини янада жадал фаолиятини ташкил қилиш каби чора-тадбирлар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун янада қулай имкониятлар очиб беряпти.

Эътироф этиш керакки, тадбиркорлик фаолиятини юритишда фойда олиш ёки манфаатдорликка эришиш микроиқтисодий ва макроиқтисодий таҳлиллар ва ёндашувларни ўзаро мувофиқ келишини таъминлаш лозим. Давлат тадбиркорликни бошқариш ва тартибга солишда миллий иқтисодиётни турли соҳаларини ривожлантириши билан бир қаторда, уларни параллел ривожланиб бориш даражаларини ҳам инобатга олиб бориши керак бўлади. Шунинг учун миллий иқтисодиётнинг қайси тармоқларида тадбиркорлик унча ривожланмаган бўлса, ўша тармоқни ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирларни қўллаб бориши шарт.

Иқтисодиёт тармоқларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти туфайли фойда олиш имкониятлари кенгайиб бормоқда. Тадбиркорлик билан шуғулланувчи ҳар бир субъект катта фойда олиши учун қуйидаги йўналишларда ўз мақсадини аниқлаб олиши керак:

- фан-техника соҳасида – янги маҳсулотни ишлаб чиқиш ва жорий этишни;
- ишлаб чиқариш соҳасида технология жараёнини такомиллаштириш ва янги технологиядан фойдаланиш, ишлаб чиқарилган маҳсулот сифатини яхшилашни;
- меҳнатни ўтказиш, сотишда – ҳар бир меҳнатга нисбатан бозор улушини сақлаб қолиш ва кенгайтириб бориши лозим.

¹ Муаллифнинг статистик маълумотлар асосида ҳисоблари.

Хулоса қилиб айтганда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари миллий иқтисодиётнинг ҳаракатланувчанлиги ва мослашувчанлигини оширувчи бўғин сифатида майдонга чиқдики, бу билан истеъмол бозоридаги талаб ва таклиф даражаси ўртасидаги фарк камайди ҳамда мувозанат барқарорлашди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик республикада ишлаб чиқаришни давлат монополиясидан чиқариш имконини берди. Бу унинг иқтисодий самарадорликдаги бир томони бўлса, иккинчи томони – у рақобат муҳитини пайдо қилди. Бу секторнинг ривожланиши рақобатнинг такомиллашувига олиб келдики, бу билан у бозор структурасини ҳам яхшилаб бошлади. Бундай бозор структураси туфайли республика иқтисодиётида, айтиш мумкин даврида ижобий натижаларни қўлга киритиш қулайроқ кечди.

I боб бўйича хулоса

Бугунги кунга келиб тадбиркорлик фаолиятини давлат томонидан тартибга солишнинг назарий асослари тобора такомиллашиб бормоқда. Чунки иқтисодчиларнинг, қолаверса, ҳукумат раҳбарларининг эътибори тадбиркорлик ва ишбилармонлик муҳитини кенг шакллантиришга эришишдир.

Маълумки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожланишига давлат томонидан катта эътибор қаратилмоқда. Ушбу секторни ривожланишига замин яратиб, шарт-шароитларни, ҳуқуқий асосларни ишлаб чиқиш масаласи устувор вазифалардан биридир. Чунки бир тизимдан бошқа тизимга ўтиш даврида, жумладан бозор иқтисодиёти даврида давлатнинг роли ҳар томонлама ортиб боради. Давлат бозор муносабатларини ривожлантиришга шарт-шароитлар яратиб, унинг субъектлари фаолиятини таъминлашга имкониятлар яратади.

Ўзбекистонда мустақилликнинг илк йилларидан, тараққиётининг ўз йўлини танлаб олди. “Ўзбек модели” тамойиллари асосида ривожланишга ўтди. Танлаб олинган беш тамойилларнинг биринчиси «иқтисодиётни

сиёсатдан устуворлигини таъминлаш» бўлиб, энг аввало иқтисодий муаммоларни ҳал этиш устувор вазифамизга айланди. Бозор иқтисодиёти шароитида инсон энг аввало иқтисодий жиҳатдан муайян таъминотга муҳтож бўлмаслик кераклиги уқтирилди. Мулкчиликнинг турли хил шаклларининг ривожланишига ҳуқуқий жиҳатдан кафолатлар берилди. Натижада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик кенг ривожланана бошлади.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришдан асосий мақсад – бозорни турли-туман зарур товар ва хизматлар билан тўлдириб, истеъмолчиларни саралаб товар харид қилишига кенг имкониятлар яратиб, пировард натижада халқнинг фаровон турмуш шароитини таъминлашдан иборат. Энг муҳими бозор муносабатлар ташкил топади, ишбилармонлик муҳитининг кенгайишига шароитлар яратилади.

Тадбиркорлик фаолиятининг ривожланишига кенг йўл очилиши, моддий ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишга ҳам шунчалик шарт-шароитлар яратилиши табиий ҳол. Бу эса ўз навбатида мамлакат аҳолисининг фаровон турмушини яратишда, кенг истеъмол товарлар билан бозорни тўкин сочин қилишда, аҳолига турли-туман хизматлар кўрсатишни ташкил этишда муҳим омил ҳисобланмоқда. Шунинг учун бугунги кунда тадбиркорлик ва кичик бизнес субъектларини давлат томонидан тартибга солиш масалаларида пухта ишланган ёндашувларни амалиётга жорий этиш муҳимдир.

2-боб: Модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш даврида Наманган вилоятида тадбиркорликни давлат томонидан тартибга солиш

2.1. Наманган вилоятининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ва тадбиркорлар учун яратилган шарт-шароитлар

Наманган вилоятида доимий аҳоли сони 2014 йилнинг якуни билан вилоят аҳоли сони 2553,9 минг кишини ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 49,9 минг кишига кўпайди ёки 101,9 фоизни ташкил этди. Вилоят миқёсида аҳолининг зич жойлашганлиги унинг таркибида меҳнат ресурслари кўплигини англатади. Йилдан йилга уларнинг салмоғи ҳам ошиб бормоқда. Шунинг учун янги иш ўринларини яратиш мақсадидаги чора-тадбирлар Наманган вилояти миқёсида ҳам устувор вазифалар қаторидан жой олган. Бундай устувор вазифаларни ҳал этишда бугунги кунда кичик бизнеснинг аҳамияти жуда катта. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик секторининг ривожланиши янги иш ўринларини ташкил этишдаги муҳим омилга айланди. Бу эса ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал этишда у ёки бу даражада барқарорлаштириш имкониятини кенгайтиришга олиб келади.

Ҳукуматимиз томонидан аҳолини ижтимоий ҳимоялашга қаратилган тадбирларнинг асосий вазифалардан бири бу меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳолини иш жойлари билан таъминлашдир. Чунки инсон меҳнати туфайли ўзининг эҳтиёжлари ва шахсий манфаатларини қондиришга интилиб яшайди. Манфаатлар ва эҳтиёжларнинг қондирилишида эса молиявий жиҳатдан тўловга қобил бўлиш керак. Худди шу ҳолатларда ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожланиш сари илдамлаб борилади.

Вилоятда иқтисодий фаол аҳоли 989,5 минг кишини ташкил этди, шундан банд аҳоли 937,3 минг нафар ва 52,2 минг нафари доимий иш билан банд бўлмаганлар бўлиб, 2014 йилда «Бандликка кўмаклашувчи» марказларга жами 28523 нафар фуқаролар иш сўраб мурожаат этдилар. Шундан 26641 нафари, яъни 93,4 фоизи иқтисодиётнинг турли тармоқларида иш билан таъминланди.


Наманган вилоятида иш жойларининг салмоқли қисми, яъни, 43,6 фоизи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобига (33031 та янги иш ўринлари) яратилган. Жумладан:

- йирик объектларни ишга тушириш, қайта қуриш ва кенгайтириш (инвестиция, ҳудудий ва локализация дастурлари) ҳисобига 4995 та;
- кичик корхоналар ва микрофирмаларни ташкил қилиш ҳисобига 24490 та;
- якка тартибдаги тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобига 8541 та;
- касаначиликнинг барча шакллари ташкил этиш ҳисобига 28589 та, шундан, иш ўринлари саноат, қурилиш, транспорт, алоқа тармоқларининг йирик ва кичик корхоналарида ва иқтисодиётнинг бошқа тармоқларида касаначиликни ташкил этиш ҳисобига 5500 та;
- фермер хўжаликларида паррандачилик, асаларичилик, балиқчилик, полиз экинлари ва бошқа маҳсулотлар етиштириш ва қайта ишлашга мўлжалланган ихтисослашган иссиқхоналар ташкил этиш ва деҳқон хўжаликларини кенгайтириш ҳисобига 3212 та;
- автомобиль йўллари, электр, сув ва газ таъминоти объектларини қуриш ва таъмирлаш, ижтимоий ва бозор инфратузилмани ривожлантириш, шунингдек аҳоли пунктларини ободонлаштириш ишларини кенгайтириш ҳисобига 5321 та;
- вақтинчалик ишламаётган корхоналар, шу жумладан тижорат банклари балансига берилган банкрот корхоналарнинг фаолиятини тиклаш бўйича чоралар кўриш натижасида 1220 та янги иш ўринлари яратилди.

Наманган вилоятида 2015 йилнинг 1 январь ҳолатига жами 15122 та кичик бизнес субъектлари (фермер хўжаликларисиз) рўйхатга олинган бўлиб, бу кўрсаткич 2014 йилнинг 1 январига нисбатан 104,7 фоизга кўпайган.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг иқтисодиёт тармоқларидаги улушини таҳлил қилинганда, соҳанинг қишлоқ хўжалигидаги улуши 99,1 % (ўтган йилнинг мос даврига нисбатан +0,1 пункт

кўп), қурилиш ишларида 87,9 % (+0,1), чакана савдода 45,7% (+0,9), жами хизматда 66,7 % (+3,2) ни ташкил этди.



2.1.1-чизма. Наманган вилоятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг 2014 йилда иқтисодиёт тармоқларидаги улуши¹

Кўриниб турибдики, Наманган вилояти иқтисодиётининг ривожланишида қишлоқ хўжалиги, қурилиш, ва хизмат кўрсатиш тармоқларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши сезиларли ошиб бормоқда. Агар сўнгги йиллардаги ўзгаришларни солиштирилса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг саноат тармоғидаги улуши чакана савдо тармоғидаги улушга нисбатан тезроқ ўсди.

Вилоятда ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажмида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши 2014 йил якунига кўра 79,7 %ни ташкил этди ва прогноз кўрсаткичларида белгиланган ҳолат амалда ўз тасдиғини топди. Агар 2013 йилдаги ҳолат билан солиштирилса, ушбу кўрсаткич ҳажми 0,2 пунктга ошганлигини кўриш мумкин.

¹ Чизма муаллиф томонидан статистик маълумотлар асосида ишланган.

2.1.1-жадвал

**Наманган вилояти иқтисодиётида кичик бизнес
ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг улуши¹**

Кўрсаткичлар номлари	Ўлчов бирлиги	2013 й. якуни, ҳақиқатда	2014 йил якуни		2013 й. якунига нисбатан %да	2015 йил 1- чорак якунида кутилади	
			прог- ноз	ҳақи- катда		прог- ноз	2014 йил 1-чоракка нисб. ўсиш суръати, %
- ЯХМ даги улуши	%	79,5	79,7	79,7	х	70,5	х
- Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми	млрд. сўм	795,2	856,9	856,9	107,8	162,5	106,3
жами саноатдаги улуши	%	48,8	49,0	55,9	х	43,7	х
- Қишлоқ хўжалик маҳсулоти ҳажми	млрд. сўм	2409,7	2450,0	2486,9	103,2	175,0	107,4
қишлоқ хўжалигидаги улуши	%	99,0	99,2	99,2	х	99,3	х
- Қурилиш ишлари ҳажми	млрд. сўм	672,1	685,0	685,3	102,0	82,0	102,6
қурилишдаги улуши	%	92,5	93,0	91,9	х	92,5	х
- Чакана савдо ҳажми	млрд. сўм	1318,8	1425,0	1425,3	108,1	350,0	104,2
чакана савдодаги улуши	%	45,5	45,7	45,4	х	46,8	х
- Жами хизмат кўрсатиш ҳажми	млрд. сўм	1773,3	182,0	1820,6	102,7	365,0	110,5
жами хизмат кўрсатишдаги улуши	%	62,4	65,5	64,7	х	67,2	х

2013 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг саноатдаги улуши 48,8 %ни ташкил этган бўлса, 2014 йилда 55,9 %ни ташкил этиб, бу прогноз ҳолатидан 6,9 пунктга каттадир. Сўнгги беш йилда Наманган вилоятида пойабзал ишлаб чиқариш бўйича салоҳиятли ишлар амалга

¹ Жадвал муаллиф томонидан Наманган вилояти статистика бошқармаси маълумотлари асосида тузилган.

оширилди. Рақобат муҳити кучайди. Ушбу соҳада маҳсулотларни экспорт қилиш йўлга қўйилиб, уни тобора кенгайтириб бориляпти.

Бироқ, шуни қайд этиш керакки, вилоятда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг саноатдаги улушини нотекис деб баҳолаш мумкин. Масалан, 2014 йил якуни билан ушбу кўрсаткич Чортоқ туманида (90,4 %) энг юқори ва Мингбулоқ туманида (13,2 %) энг паст бўлган.

Кичик бизнеснинг иқтисодиёт тармоқларидаги улушини таҳлил қилганда, соҳанинг қишлоқ хўжалигидаги улуши 2013 йилда 99,2 фоизни ташкил этган бўлса, 2014 йил якуни билан ушбу кўрсаткич ўзгаришсиз қолди. Вилоятларнинг деярли барча туманларида кичик бизнеснинг қишлоқ хўжалигидаги улуши 97,0 фоиздан ортиқни ташкил этади.

Наманган вилоятида қурилиш ишлари жадал амалга ошириляптики, бунда кичик бизнес субъектлари ўзининг фаолликларини кўрсатиб келмоқдалар. Хусусан, иқтисодиёт тармоқлари ичида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши бўйича мазкур тармоқ қишлоқ хўжалигидан кейин иккинчи ўринда туради. 2014 йил ҳолатида кичик бизнес субъектларининг қурилишдаги улуши 87,9%ни ташкил этиб, жорий йилда 685,3 млрд. сўмлик қурилиш ишлари бажарилди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улушини қурилиш соҳасида туманлар бўйича кўрадиган бўлсак, Поп туманида 76,9 %га тўғри келди. Наманган ва Норин туманларида эса худди шу кўрсаткич 100 % ни ташкил этди.

Вилоят маркази ҳисобланган Наманган шаҳрининг архитектура кўриниши бутунлай ўзгартирилди. Шунингдек, қишлоқ жойларида ҳам талайгина қурилиш ишлари амалга оширилдики, бунда кичик бизнес субъектлари фаоллик кўрсатдилар. Бир қатор замонавий иншоотлар, кўприklar, савдо марказлари қуриб битказилди.

Вилоятда қишлоқ хўжалиги ва транспорт соҳалари тўлалигича нодавлат мулк шаклига ўтказилди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга эътибор кучайтирилди.

Шу боис Наманган вилояти иқтисодиётининг турли тармоқларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан 25426 та янги иш ўринлари яратилиб, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида банд бўлганлар сони 728,4 минг кишига етди. Бу эса иқтисодиётда банд аҳолининг 81,8 фоизини ташкил этади.

Вилоятда кўп укладли иқтисодиётни барпо этиш ва мулкчиликни барча шакллари ривожлантириш учун етарли иқтисодий шароитлар яратилди. 2015 йилнинг 1 январ ҳолатига 3138 та саноат корхоналари, 5766 та фермер хўжаликлари, 454876 та деҳқон хўжаликлари, 1454 та кичик корхоналар, 13833 та микрофирмалар, 64 та қўшма корхоналар, ва яна бир қатор бошқа мулк эгалари фаолият кўрсатмоқда.

Ҳозирги кунда вилоятда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг вилоят бош бошқармаси ҳамда 15 та тижорат акционерлик банклари жумладан, Республика ИАТ «Агро банки» ва Ҳалқ банкларининг вилоят бошқармалари, «Саноатқурилишбанк», «Миллий банк», «Ипотека банк», «Микрокредитбанк», «Қишлоқ қурилиш банки», «Турон банк», «Ипак йўли банки», «Алоқа банк», «Асака банк», «Ҳамкорбанк», «Капиталбанк» ва «Трансбанк» кабиларнинг вилоят бўлимлари фаолият кўрсатмоқда.

Вилоятда кичик бизнесни ривожлантириш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижасида иқтисодиётдаги кичик бизнес субъектларининг ўрни ва улушини йилдан-йилга ортиб боришга эришилмоқда. 2014 йил якуни билан кичик бизнес субъектларининг вилоят ялпи ҳудудий маҳсулотигади улуши 79,7 фоизни ташкил этди. Ушбу кўрсаткич 2013 йил якуни билан 79,5 фоизни ташкил этган.

Эътироф этиш керакки, 2014 йил якуни билан 392 та ишлаб чиқариш объектлари фойдаланишга топширилди. Ушбу лойиҳаларда жами 124,9 млрд. сўм (70,3 млрд. сўм ўз маблағи, 54,4 млрд. сўм банк кредити, 0,2 млрд. сўм тўғридан-тўғри хорижий инвестиция) миқдорида инвестициялар ўзлаштирилиб, 7200 та янги иш ўринлари яратилди.

Ташқи иқтисодий алоқалар вилоят вакиллиги қимматбаҳо қоғозлар бозори савдосини ташкил этувчи брокерлик идоралари, Республика Миллий депозитарияси, Кўчмас мулклар биржаси, Товар хом-ашё фонд биржалари, Инвестиция фондининг вилоят бўлинмаси, «Мадад» суғурта агентликлари ва «Ўзбекинвест» экспорт-импорт Миллий суғурта компанияси Наманган вилоят шуъба корхоналари ишлаб турибди.

2.1.2-жадвал

Наманган вилоятида Ялпи ҳудудий маҳсулот таркиби ҳамда унда КБ ваХТнинг улуши¹

№	Кўрсаткичлар	2013 йил январ-декабр				2014 йил январ-декабр		
		ҳажми, млрд. сўм	ўсиш суръати, %	структура, %	дефлятор, %	ҳажми, млрд. сўм	ўсиш суръати, %	структура, %
1	Ялпи ҳудудий маҳсулот	4969,4	111,2	100,0	118,9	6073,3	110,3	100,0
шу жумладан:								
2	Саноат ишлаб чиқариш	538,9	108,4	10,8	133,0	648,3	108,4	10,7
3	Қурилиш	349,0	116,1	7,0	107,1	469,8	111,0	7,7
4	Қишлоқ хўжалиги	1826,5	108,9	36,8	128,2	2154,9	108,5	35,5
5	Транспорт ва алоқа	443,9	107,0	8,9	119,1	538,0	110,1	8,9
6	Савдо ва умумий овқатланиш	443,4	114,5	8,9	111,3	582,1	112,3	9,6
7	Солиқлар	159,2	111,9	3,2	118,3	186,6	111,0	3,1
8	Бошқалар	1208,6	114,5	24,3	107,7	1493,5	112,7	24,6
шу жумладан;								
9	ЯХМ даги кичик бизнеснинг улуши	х	х	79,5	х	х	х	79,7
10	ЯХМ даги хизматлар улуши	х	х	42,2	х	х	х	43,1

¹ Жадвал муаллиф томонидан Наманган вилоят статистика бошқармасининг маълумотлари асосида тузилган.

Наманган вилояти иқтисодиёти 2014 йилда янада юқори кўрсаткичларга эришди. Иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, ишлаб чиқариш ва бозор инфратузилмаларини яхшилаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришга қаратилган комплекс чора-тадбирлар натижасида ялпи ҳудудий маҳсулотнинг ўсиш суръати 2013 йилга нисбатан олганда 10,3 фоизга, саноат ишлаб чиқариш ҳажми 12,5 фоизга, қишлоқ хўжалиги 8,5 фоиз, капитал қўйилмалар 34,3 фоизга, қурилиш ишлари 11,0 фоизга, чакана савдо айланмаси 12,9 фоизга ва пуллик хизматлар кўрсатиш ҳажми 17,7 фоизга ортди.

Наманган вилоятининг ҳозирги замон кўп укладли иқтисодиёти тобора ривожланиб бормоқда. Кичик бизнес туфайли кўпмулкчилик асосидаги кичик тадбиркорлик корхоналари деярли барча тармоқларга кириб борган. Аммо уларнинг ривожланишида номувофиқлик сезилиб туради.

Фикримизча вилоят иқтисодиётининг турли тармоқларида кичик бизнес корхоналари сони турлича бўлиб, нотекис ривожланиш тенденцияси кўзга ташланади.

Наманган вилоятида тармоқлар ичида савдо ва умумий овқатланишда фаолият кўрсатаётган кичик бизнес субъектлари устуворлик кўрсатиб, 2014 йилда 4530 таси ўзининг иқтисодий муносабатларини олиб борган. Бу 2013 йил ҳолатига нисбатан 117,2%ни ташкил этади. Худди шундай саноат тармоғида ҳам 2014 йилда 2809 та кичик бизнес субъектлари ўз фаолиятларини олиб борган ва 2013 йилга нисбатан олганда 110,9%ни ташкил этган (2.1.3-жадвалга қараңг).

Шу билан бирга, қурилиш, транспорт ва алоқа, қишлоқ хўжалиги, моддий ишлаб чиқаришнинг бошқа турлари, маданият каби иқтисодиётнинг тармоқларида фаолият кўрсатган кичик бизнес субъектларининг миқдори 2013 йил ҳолатидан юқори бўлди.

**Наманган вилоятида иқтисодиётнинг тармоқ соҳаларида
фаолият кўрсатаётган кичик бизнес ва тадбиркорлик
субъектлари сони¹
(деҳқон ва фермер хўжаликларисиз)**

Тармоқлар номи	2012 й.	2013 й.	2014 й.	2014 йилни 2013 йилга солиштирганда
Саноат	2283	2531	2809	110,9
Қишлоқ хўжалиги	15960 ²	1169	1208	103,3
Ўрмон хўжалиги	16	3	3	100,0
Транспорт ва алоқа	411	485	516	106,4
Курилиш	1146	1211	1326	109,5
Улгуржи савдо	529	551	511	92,7
Савдо ва умумий овқатланиш	3683	3863	4530	117,2
Моддий техника таъминоти	6	9	9	100,0
Тайёрлов	50	46	46	100,0
Ахборот ҳисоблаш маркази	91	88	90	102,2
Кўчмас мулк амалиёти	169	195	185	94,8
Умумий тижорат амалиёти	783	903	804	89,0
Геология қидирув	7	7	7	100,0
Моддий ишлаб чиқаришнинг бошқа турлари	81	91	94	103,2
Уй-жой коммунал турлари	112	99	96	97,0
Маиший хизматлар	150	150	142	94,6
Соғлиқни сақлаш	476	503	404	80,3
Халқ таълими	263	288	204	70,8
Маданият	58	60	61	101,6
Фан	20	25	20	80,0
Молия	13	8	8	100,0
Бошқарув	10	7	7	100,0
Жамоа бирлашмалар				
Жами	26317	12292	13080	106,4

¹ Жадвал муаллиф томонидан Наманган вилояти статистика бошқармаси маълумотлари асосида тузилган.

² 2012 йил маълумотларида деҳқон ва фермер хўжаликлари билан бирга ҳисобланган.

Энг паст ҳолат халқ таълими соҳасида бўлиб, 2014 йилда бу соҳадаги кичик бизнес субъектлари сонида фаолият кўрсатаётганлари бирдан тушиб кетди. Масалан, 2013 йилда 288 та кичик бизнес субъектлари ўз фаолиятларини олиб борган бўлса, 2014 йилда эса 204 тага тушиб қолди. Бунинг сабабини вилоятда таълим соҳасидаги рақобатнинг авж олганлиги билан тушунтириш мумкин.

Агар вилоят иқтисодиётининг асосий тармоқларини таҳлил этадиган бўлсак, 2.1.4-жадвалдаги ҳолатни кўришимиз мумкин. Бунда вилоят бўйича жами рўйхатга олинган кичик бизнес субъектлари сони 15122 тани ташкил этган бўлиб, уларнинг 86,5% ўз фаолиятини олиб борган. Аниқроғи 2014 йилда фаолият кўрсатган кичик бизнес субъектлари сони 13080 тани ташкил этган (2.1.4-жадвалга қаранг).

2.1.4-жадвал

**Наманган вилояти иқтисодиётнинг асосий тармоқларида
кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектларининг таҳлили
(фермер хўжаликларисиз)¹**

2015 йил 1 январ ҳолатига

	Рўйхатдан ўтган ²	Фаолият кўрсатаётган	Фаолият кўрсат- маётган	2014 йил январ-декабр	
				ташкил топди	туга- тилди
Саноат	3138	2809	329	395	153
Қишлоқ ва ўрмон хўжалиги	1348	1211	137	127	74
Транспорт ва алоқа	570	516	54	80	29
Қурилиш	1590	1326	264	181	123
Савдо ва умумовқатланиш	5513	4530	983	446	350
Бошқа соҳалар	2963	2688	275	292	153
Жами	15122	13080	2042	1521	882

2014 йилда ўз фаолиятини олиб бормаган кичик бизнес субъектлари 2042 тани ташкил этган. 2014 йилнинг январ-декабр ойларида эса ташкил

¹ Жадвал муаллиф томонидан Наманган вилояти статистика бошқармаси маълумотлари асосида тузилган.

² Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 11 октябрдаги 439-сонли қарорига асосан.

топган кичик бизнес субъектлари 1521 тага тўғри келса, тугатилганлари 882 нафарни ташкил этган.

Вилоят миқёсида кичик бизнесни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш соҳасида кадрлар муаммосига ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Уларнинг билимини мустаҳкамлаш учун вилоятнинг барча олий ўқув юртларида кучайтирилган дастурлар асосида ўқитиш курслари ташкил қилинган. Шунингдек, олий таълим профессор-ўқитувчилари томонидан хорижий ҳамкорлик алоқалари асосида ҳам курслар ташкил этилиб, бунда хорижий профессорларнинг маърузалари ва тренинг асосидаги машғулотлари ташкил этилмоқда. Жумладан, вилоят Савдо-саноат палатасида ҳам бизнес тренинг жараёнлари ўтказилиб борилмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, Наманган вилоятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари маҳаллий иқтисодиётнинг қатор тармоқларида ривожланиб бормоқда. Бунда айниқса, қишлоқ хўжалиги соҳаси устуворликка эга бўлиб, қишлоқ жойларида тадбиркорлик ва бизнес кенг кириб борганлиги учун ривожланиш сезиларли бўлмоқда. Шаҳар ва қишлоқ ўртасидаги тафовутларнинг йўқолиб боришига имкониятлар яратилмоқда. Аҳолининг турмуш фаровонлигига жиддий эътибор берилмоқда.

2.2. Наманган вилояти иқтисодиёти тармоқларида тадбиркорликни тартибга солишда юзага келган муаммолар

Наманган вилояти миқёсида кейинги йилларда кичик бизнес фаолияти анча кенгайиб бораётганлигини қониқарли деб баҳолаш мумкин бўлса-да, бу ютуқлар билан чегараланиб бўлмайди. Чунки фақат Наманган вилоятида эмас, балки аксарият вилоятларда иқтисодиётнинг айрим тармоқлари шиддат билан ривожланиб бораётганлиги ва айрим тармоқлари эса сезиларсиз ривожланаётганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Аммо шунга қарамай, Наманган вилоятида бозор механизмини фаол ишлашини таъминловчи маҳаллий қарорларнинг қабул қилиниши, вилоят ва туманларда

тадбиркорликни маҳаллий бошқарув идоралари орқали тартибга солишниши йўлида иқтисодий жиҳатдан ижобий ишлар амалга ошириб келинмоқда.

Худудий иқтисодиёт таркибида турли тармоқларнинг турлича ривожланиши ижобий натижага олиб келмаслиги бизга маълум. Шу туфайли иқтисодиётнинг барча тармоқларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарини муайян даражада тенг ривожланиб боришини таъминлайдиган имкониятларни яратиш мақсадга мувофиқдир.

Демак, вилоятда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарининг макромухит миқёсидаги фаолиятини ошириш борасидаги чора-тадбирларни оширишимиз ва янада такомиллаштириб боришимизга тўғри келмоқда.

2.2.1-жадвал

Наманган вилоятида КБ ва ХТ субъектлари сонида фаолият кўрсатмаганлари улуши¹

Кўрсаткичлар номлари	Ўлчов бирлиги	2013 й. якуни, ҳақиқатда	2014 йил якуни		2013 й. якунига нисбатан %да
			прогноз	ҳақиқатда	
Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари сони	бирлик	14447	15050	15122	105,8
<i>шундан:</i>					
Фаолият кўрсатаётгани	бирлик	12292	13000	13080	107,4
Фаолият кўрсатмаётгани	бирлик	2155	2050	2042	96,7
Ҳисобот даврида ўз фаолиятини тўхтатганлари	бирлик	1548	650	882	43,1

Бугунги кунга келиб, вилоят бўйича 15122 та кичик бизнес субъектлари рўйхатга олинган бўлса, уларнинг 13080 таси ўзларининг иқтисодий фаолиятини олиб борган. Бу 86,5 фоизни ташкил этади. Бироқ ўз

¹ Жадвал муаллиф томонидан Наманган вилояти статистика бошқармаси маълумотлари асосида тузилган.

фаолиятини олиб бормаган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари 13,5 фоизни ташкил этиб, улар 2042 тани ташкил этди.

Агар 2013 йилга солиштирилса, атиги 113 тани, 2014 йил якунида ўз фаолиятларини тўхтатган кичик ва тадбиркорлик корхоналари сони 882 тани ташкил этган. Ваҳоланки 2014 йилнинг прогноз ҳолатида тугатилиши керак бўлган кичик бизнес субъектлари 650 тани ташкил этган. 2014 йилда тугатилган кичик бизнес корхоналари 2013 йилдаги ҳолатдан 666 тага камайган бўлса-да, вилоятда у ёки бу даражадаги муаммолар борлигини кўриш мумкин. Чунки 2013 йил якунига нисбатан ўз фаолиятини тўхтатган субъектлар 43,1 фоизни ташкил этмоқда (2.2.1-жадвалга қаранг).

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари орасида ўз фаолиятларини тўхтатганлари вилоятнинг айниқса Наманган шаҳрида (204 та) кўп бўлди. Шунингдек, Косонсой (125 та), Тўрақўрғон (94 та), Учқўрғон (89 та), Чортоқ (75 та) туманларида ўз фаолиятини тўхтатган кичик бизнес субъектлари сони кўп бўлди. Натижада уларни давлат бошқарув органлари томонидан таҳлил қилиб ўрганиб чиқилган. Жами вилоят бўйича 882 та тугатилган кичик бизнес корхоналарида иқтисодий муаммолар турлича сабабларга кўра содир бўлган деб ҳисоблаш мумкин. (2.2.2-жадвалга қаранг).

Фаолиятсиз кичик бизнес субъектларини фаолиятини тиклаш ёки тугатиш бўйича вилоятда бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилаётган бўлиб, ҳисобот даврида 47 та субъектлар фаолияти тикланиб, уларда 190 та янги иш ўринлари яратилди.

Кўпчилик кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарида ички омиллар ҳам сезиларли даражада корхона фаолиятига салбий таъсир кўрсатмоқда. Айрим кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари ажратилган кредит маблағларидан мақсадли фойдаланмаяптилар. Бизнес-режа тузишни, маркетинг хизматларидан фойдаланишни яхши ўзлаштириб олмаганлар. Уларда молия ва ишлаб чиқариш интизоми жуда суст.

Наманган вилоятида фаолияти тугатилган кичик бизнес ва хусусий корхоналар сонининг туманлар бўйича тақсимланиши¹

Туманлар	Жами корхоналар	Кичик корхоналар	Микро-фирма	Жами кичик бизнес субъектлари	Кичик бизнес субъектларининг жами корхоналарга нисбатан улуши
Мингбулоқ	46	7	36	42	84,8
Косонсой	127	9	118	125	97,6
Наманган	62	4	58	59	93,2
Норин	45	5	36	41	95,0
Поп	34	3	27	32	96,4
Тўрақўрғон	97	5	89	94	98,9
Уйчи	49	8	41	48	95,7
Учкўрғон	91	4	84	89	97,7
Чортоқ	77	6	62	75	98,6
Чуст	29	1	26	27	85,2
Янгиқўрғон	48	2	44	46	91,5
Наманган шаҳри	217	8	199	204	94,0
Жами	922	62	820	882	95,6

Эътиборлиси шундаки, кўпчилик тадбиркорлар структурасида, айниқса, ишлаб чиқариш билан банд бўлган тадбиркорлар доирасида айланма маблағга мухтожлик сезилмоқда. Қарзга олинган маблағ фоизлари ва кредит беришнинг талабларига ҳар доим ҳам қодир бўлмагани учун банк кредитларидан ҳар ким ҳам фойдалана олмайди. Шунинг учун тадбиркорлар ўзи бизнесини ривожлантиришда шахсий жамғармасидан ёки таъсисчилар бадалидан тузилган (ташкил топган) бошланғич сармоядан фойдаланадилар. Бундан ташқари, тадбиркор эркин муомаладаги валютада кредит олишида кўпгина харажатлар қилади. Масалан, тадбиркор 1 млн. АҚШ доллари миқдорида кредит олиш учун унинг харажатлари 3,3 млн. сўмга яқин маблағни ташкил этади.

¹ Жадвал муаллиф томонидан 01.11.2014 йил ҳолатига кўра Наманган вилоят статистика бошқармаси маълумотлари асосида тузилган.

Бошловчилар учун бундай миқдорда маблағни топиш албатта машаққатли. Бунга яна лойиҳа ташаббускорининг маълумоти даражасининг юқори эмаслиги ва ташқи иқтисодий фаолиятда тажрибанинг йўқлиги кўшилади. Хаттоки, кредит олгандан кейин ҳам айримлар 3-4 ойлаб ундан фойдалана олмайдилар. Мана шу вақт ичида шартномалар бузилади, товарга бўлган нарх эса ўзгаради. Бу бизнес режадаги ҳисоб кўрсаткичларининг ўзгаришига ва режалаштирилган дастурларнинг бажарилмаслигига олиб келади. Бу эса ўз навбатида рақобатчилик шароитида таваккалчилик даражасини оширади, бу эса ишлаб чиқаришнинг ихтисослашишига ёки банкротга ўчрайдиган иқтисодий тангликка олиб келади.

Бугунги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўйича ҳукумат комиссияси, шунингдек, ҳозир даврда ўз фаолиятини кучайтираётган Савдо-саноат палатасининг вилоят бўлими бошқармаси кичик бизнес субъектларини иқтисодий муносабатлардаги фаол ҳаракатларига шарт-шароитлар яратиб бормоқда. Ушбу палата билан бизнес субъектларининг ҳамкорликда ишлаш жараёнида уларни бир-бирини тушуниш ҳолатларида ижобийлик тобора ортапти.


Бироқ бу ҳолатлар чегаравий муҳитда шаклланмоқда. Маҳаллий бошқарув идораларидаги вазият эса ўзига хос бўлиб, бунда айрим раҳбар ходимларнинг ингича иқтисодий фикрлашлари давр талабига жавоб бермаяпти. Сабаби маҳаллий ҳокимият органларидаги айрим ходимлар кичик бизнес субъектларига тегишлича мадад кўрсатмаяпти. Жойларда ҳокимият ва бошқарув органларининг тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолиятига аралашуви каби мутлақо йўл қўйиб бўлмайдиган фактлар мавжуд.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, аксарият кредит уюшмалари ўзининг фаолияти бўйича кичик бизнес ва зусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, уни ривожлантириш, республика минтақаларида иқтисодиётнинг нодавлат сектори ишлаб чиқариш – молиявий салоҳиятини ошириш учун

зарур шарт-шароитларни вужудга келтиришга кўмаклашиши вазифаларини амалга ошириб борапти.

Маҳаллий шароитларда, яъни ҳудудий миқёсда фойда солиғи тўлагунга ҳадар олинган фойда 2013 йилда 76032,1 млн. сўмни ташкил этган бўлса, 2014 йилда 36758,8 млн. сўмни ташкил этди. Бошқача айтганда, 2013 йилдаги ҳолатнинг 48,3 %ини ташкил этган.

Эътироф этиш керак, корхоналар фаолиятида иқтисодий фойда қўрилган, лекин, бу кўрсаткич динамикаси 2013 йилдаги ҳолатдан кам эканлиги аниқ далиллардан кўриниб турибди. Бунинг асосий сабаби Наманган вилоятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарни давлат томонидан тартибга солишда у ёки бу даражадаги муаммоларнинг мавжудлигидир.



2.2.1-чизма. Наманган вилояти бўйича фойда солиғи тўлангунга қадар олинган фойда ҳажми

Ҳар бир киши ўз бизнесининг эгаси эканлигини хис қилиши, унинг ўзига бериб қўйилган эркинликлардан ва ҳукукий кафолатланган имкониятлардан фойдаланиб машаққатли меҳнат билан қўлга киритилган даромадини ихтиёрий ҳолда самарали ўзлаштириши лозим. Энг асосийси – кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни юритишда мулкнинг дахлсизлиги

қоидасининг ишлаш механизмига эътибор бериш керакки, у ҳар бир ишбилармонга манфаатдорлик билан меҳнат қилиш, ишлаб чиқарилган маҳсулотни мустақил тасарруф этиш, ўз корхонасининг ёки оиласининг (оилавий бизнес) маъмурчилигини таъминлаш имконини берсин. У ўз мулкнинг ҳақиқий эгаси бўлгани учун уни чекланмаган ҳолда ишлатади. Бу ҳақида ҳам мавжуд қонунлар, фармонларда қайд этилган. Амалда эса мулкни тасарруф этишда ҳам жиддий камчиликлар юзага келганки, мулкнинг дахлсизлиги қоидасининг ишлаш механизми тўлақонли амалга оширилмаяпти.

Мулк объекти эркинлик, мустақиллик асосида ўзининг субъекти томонидан ихтиёрий тарзда ўзлаштирилиши керак. Лекин айрим раҳбар ходимларнинг боқимандалик руҳияти сақланиб қолганки, улар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига «хомийлик қилиб беринг» қабилида бюрократик муносабатларни ханузгача давом эттирмоқдалар. Хатто уларнинг ҳисоб рақамларидаги миқдорнинг ҳажмига қараб «хомийлик»ни белгилашади. Бу эса ҳар қандай бизнес юритувчи шахс ўз ҳисоб рақамидаги суммани сир тутишига ҳаққи борлигини ва уни давлат томонидан ҳуқуқий кафолатланишини тан олмасликдир. Бундай ҳолат кичик бизнес хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан олинishi керак бўлган даромадга ҳам салбий таъсирини кўрсатмай қолмайди, албатта.

Кўп ҳолларда моддий-техника ресурсларини олишда тадбиркорлар билан давлат корхоналари ўртасидаги тенг ҳуқуқлилиқка риоя қилинмаяпти. Ҳокимликларнинг раҳбарлари йирик корхоналарнинг маҳаллалар билан узвий алоқасини таъминлайдиган янги ташкилий шаклларини яратиш, қишлоқ жойларида бу корхоналарнинг бўлимларини ва цехларини ташкил этиш бўйича самарали чора-тадбирларни кўрмаяптилар. Шаҳарларда жойлашган хусусий корхоналар маблағларини қишлоқ жойларидаги кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга жалб қилиш учун яратилган механизм деярли ишламаяпти.

**Наманган вилоятида фаолият кўрсатмаётган кичик бизнес
ва хусусий тадбиркорлик корхоналарининг иқтисодиёт
тармоқлари бўйича салмоғи¹
(деҳқон ва фермер хўжаликларисиз)**

Тармоқлар	Юридик шахслар жами	шу жумладан:		
		кичик бизнес	шундан:	
			кичик корхона	микрофирма
Саноат	332	328	7	321
Қишлоқ хўжалиги	137	131	0	131
Ўрмон хўжалиги	0	0	0	0
Транспорт ва алоқа	49	45	4	41
Қурилиш	295	285	4	281
Улгуржи савдо	356	346	11	335
Савдо ва умумий овқатланиш	624	619	21	598
Моддий техника таъминоти	1	1	0	1
Тайёрлов	17	17	0	17
Ахборот ҳисоблаш хизмати	10	10	0	10
Кўчмас мулк амалиёти	14	14	1	13
Умумий тижорат амалиёти	81	81	1	80
Геология қидирув	0	0	0	0
Моддий ишлаб чиқаришнинг бошқа турлари	4	4	0	4
Уй-жой коммунал турлари	45	17	2	15
Маиший хизматлар	42	40	0	40
Соғлиқни сақлаш	50	48	1	47
Халқ таълими	15	14	0	14
Маданият	29	24	4	20
Фан	10	9	0	9
Молия	10	9	0	9
Бошқарув	28	0	0	0
Жамоа бирлашмалар	30	0	0	0
ЖАМИ	2179	2042	56	1986

¹ Жадвал муаллиф томонидан 01.11.2014 йил ҳолатига кўра Наманган вилоят статистика бошқармаси маълумотлари асосида тузилган.

Хусусийлаштирилган мулкни ишга солиб юбориш жараёнларида ҳам маълум тўсиқлар борки, бунинг учун тадбиркор ойлаб вақт йўқотади. Навбат кутишлар, мансабдор шахсларнинг тўраларча муносабатлари, айрим ҳолларда очикчасига таъмагирлик қилишлари тадбиркорларнинг ишдан кўнглини совутмоқда, ислоҳотга, келажакка ишончларини йўқотмоқда. Бундан ташқари, банкда ҳисоб рақами очиш, пул ўтказиш масалаларида тадбиркорларга ўғай кўз билан қараш ҳоллари мавжуд. Умуман кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик секторини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизми самарали ишламаяпти.

«Шуни таъкидлашимиз керакки, кичик ва хусусий бизнеснинг кенг ривожланишида... Одамларда тадбиркорлик билан шуғулланиш иштиёқи сўнишига аввало маъмурий рекэт, текширувчи ва назорат қилувчи органларнинг таъмагирлиги, порахўрлиги, ишбилармонларнинг устингдан жиноий иш қўзҳатаман, деб қўрқитиши, зўравонлик қилиши асосий сабаб бўлмоқда»¹.

Ушбу долзарб муаммоларни ўрганиш, келажакда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг макроиктисодий барқарорликни таъминлашдаги хиссаси қандай бўлишини тахмин қилиш ва унинг республикада кечаётган ижтимоий-иктисодий жараёнга кўрсатадиган таъсирини аниқлаш имконини беради. Шу боис кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни макроиктисодий тартибга солиш муаммоларини ўрганиш давр талабидир.

Хулоса шундан иборатки, бугунги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун республикада барча ҳуқуқий шарт-шароитлар мавжуд ва бу соҳадаги ишлар ҳали давом этмоқда. Бироқ янгича иқтисодий тафаккурнинг заифлиги туфайли қонунга амал қилмаслик, тартиббузарлик, қонунни «айланиб ўтиш» ҳолатлари кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг, умуман иқтисодиётнинг ривожланишига салбий

¹ Каримов И.А. Иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислоҳотларни чуқурлаштириш энг муҳим вазифамиз. // FIDOKOR. 25 февраль, 2000.

таъсир кўрсатмоқда. Бундай вазият бозор тизимининг такомиллашмаган кўринишини намоён этиши мумкин.

Фикримизча, бугунги кунда айрим ходим ва раҳбарларнинг ноҳўя хатти-ҳаракатлари туфайли кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан тартибга солиш йўналишида жузъий муаммолар пайдо бўлган. Шу боис, ислохотларни чуқурлаштириш йўлида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга доир макроиқтисодий кўламдаги бундай муаммоларни ҳал этиш давлат сиёсатида муҳим аҳамият касб этади ва бугунги кунда иқтисодиётни эркинлаштириш нуқтаи назаридан долзарбдир.

2.3. Наманган вилоятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ҳуқуқий бошқарувини ва давлат томонидан қўллаб-қувватлашни ошириш йўналишлари

Сўнгги вақтларда вужудга келган вазиятларни ҳисобга олиб, тадбиркорлик ривожланишининг умумий ва асосий йўналиши бўйича муҳим чора-тадбирлар қабул қилинди, бу тадбирларни амалга ошириш йўриқлари ишлаб чиқилди. Демак, айтишимиз мумкинки, давлатимиз иқтисодиётини юксалишида тадбиркорликнинг ривожланиши жуда катта аҳамиятга эга.

Наманган вилоятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши борасидаги саъй-ҳаракатлар сўнгги йилларда кучайди. Хусусан 2010-2014 йиллар мобайнида 5 дан ортиқ меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳукуматимиз раҳбарияти томонидан қабул қилинди. Ушбу меъёрий ҳужжатлар Ўзбекистонда жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни ислоҳ қилиш ҳамда модернизациялаш мақсадидаги вазифаларни амалга ошириш юзасидан қабул қилинди.

Янги қабул қилинган бу меъёрий ҳужжатларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва бу фаолиятнинг ўзаро иқтисодий муносабатлардаги муаммоларини ўрганиш, бу соҳани давлат томонидан қўллаб-қувватлаб турувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни амалдаги

аҳволини холис баҳолаш, шунингдек, зарурият туғилганда янгиларини ишлаб чиқиш қўзда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 3 июлдаги ПҚ-2200-сонли “Давлат мулк объектларини кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига сотиш тўғрисида”ги қарорининг 4-илоvasида белгиланган вазифаларни ижросини таъминлаш юзасидан вилоятда муаян ишлар амалга оширилди. Вилоят бўйича жами 5 та ҳудудда жами 15,4 га бўш турган ер майдонларида кичик саноат зоналари ташкил қилиш бўйича бош режа асосида хариталар ишлаб чиқилган ҳолда таклифлар берилган.

Ишлаб чиқилган таклифларга асосан Наманган шаҳридаги “Натурал инвест” МЧЖнинг 2,1 гектар бўш ер майдонида, “Наманганағромаш” ОАЖнинг 2,6 гектар бўш ер майдонида, собиқ “Шифо ЛТД” МЧЖнинг 0,8 гектар бўш ер майдонида ва Тўрақўрғон тумани Собиқ “148-ХМКК” МЧЖнинг 1,8 гектар бўш ер майдонида ҳамда собиқ “Дехқонмаштаъминот” ОАЖнинг 8,1 гектар бўш ер майдони ҳудудларида кичик-кичик тадбиркорларни жойлаштириш мақсадида муҳандислик коммуникация тармоқларига (табiiй газ, электр энергия, сув, канализация) уланиш ва узлуксиз таъминлаш учун талаб этиладиган харажатлар ҳисоб-китоблари таъминотчи корхоналар томонидан ишлаб чиқилди¹.

2014-2015 йилларда саноат зоналарида жами 493,0 млн. сўм (493,0 млн. сўм ташаббускорлар маблағи) ўзлаштирилиши ҳисобига 6 та лойиҳалар ишга туширилиб, 100 та янги иш жойлари яратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 31 октябрдаги «2012-2015 йилларда Республика озиқ-овқат саноатини бошқаришни ташкил этишни янада такомиллаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўрисида»ги ПҚ-1633-сонли Қарорига асосан вилоятда амалга оширилаётган ишлар тўғрисида.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 31 октябрдаги “2012-2015 йилларда Республика озиқ-овқат саноатини бошқаришни ташкил

¹ Манба: Наманган вилоятининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши. // Статистик маълумотлар. 2015.

этишни янада такомиллаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўрисида”ги ПҚ-1633-сонли қарорига асосан вилоятда 2014 йилда жами 17 та, 13 та янги ва 4 та модернизация қилинадиган лойиҳаларни амалга ошириш белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 7 апрелдаги “2011-2015 йиллар даврида мева-сабзавот маҳсулотларини сақлашнинг моддий-техника базасини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ВМ-105-сонли қарорининг ижроси тўғрисида.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш тизимини янада яхшилаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 7 апрелдаги “2011-2015 йиллар даврида мева-сабзавот маҳсулотларини сақлашнинг моддий-техника базасини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ВМ-105-сонли қарорига асосан 2014 йилда жами 7050 тонна қувватга эга 5 омборхоналар, жумладан, 3 та янги музлаткичли, 2 та реконструкция омборлар қуриш белгиланган.

Бугунги кунда Норин туманидаги “Авазбек Хошимжон ўғли” хусусий корхонасида 500 тонна сиғимга эга бўлган 1 та янги совуткич камераси қуриб фойдаланишга топширилди. Бунинг натижасида 4 та янги иш ўринлари яратилди. Учқўрғон туманидаги ХТ "Маллаева Наргиза" хусусий тадбиркор томонидан 50 тонна сиғимга эга бўлган 1 та янги совуткич камераси қуриб фойдаланишга топширилиб, 2 та янги иш ўринлари яратилди.

Тадбиркорликни қўллаб-қувватловчи молиявий институтлар – Савдо-саноат палатаси, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўйича ҳукумат комиссияси, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш соҳасидаги хорижий молиявий фондлар, суғурта агентликлари, бизнес-инкубаторлар фаолиятларини яхшилашга йўналтирилган тадбирлар амалга оширилди.

Аммо, иқтисодиётимизнинг ривожланишида тадбиркорликнинг ижобий фаолиятини эътироф этган ҳолда, унинг аҳамиятини ортиқча бўрттириш ҳам нотўғри. Кичик тадбиркорлик фақат муайян доирадагина

фаоллик кўрсата олади, шу сабабли кичик тадбиркорликни самарали ривожлантириш учун керакли шароитни яратиш зарур. Бу ишда хориж тажрибасини ўрганиш фойдадан ҳоли эмас.

Тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш ва уни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жараёни тезлаштириш ва унинг самарадорлигини оширишда қуйидагилар асосий йўналиш бўлиб хизмат қилади:

- марказлашган ресурс манбалари, ахборот-маълумотлар базасига киришни таъминлаш, тадбиркорлар ва харидорлар ижтимоий ҳимоя кафолатини шакллантириш;

- молиявий кредит муомаласи тармоҳида тадбиркорлик учун кредит муассасалари (масалан, кредит омонат муассасалари) ташкил этишга керакли шароитлар яратиш ва кредитлар олиш имкониятларини кенгайтириш;

- солиқлар, валюта ва ташқи савдоларни бошқаришда хорижий инвестициялар учун мустаҳкам режим ўрнатиш, хорижий капитал ёрдамида хусусийлаштириш учун керакли шароитлар яратиш, инвестицион лойиҳалар ҳақида маълумотлар тизимини ташкил этиш;

- қайта ишланган маҳсулот экспорти билан шуғулланадиган тадбиркорлар учун валюта тушуми савдосининг мажбурий меъёрларини яхшилаш, банклараро ҳисоблаш тизимини ривожлантириш;

- тадбиркорликда лизинг хизматларидан фойдаланиш ва уни ривожлантириш;

- тадбиркорлик корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотларига бўлган эҳтиёжни ва талаб конъюктурасини ўрганиш учун Республика ахборот тизимини ташкил этиш;

- тадбиркорлик корхоналарини кредит маблағлари билан таъминлашда суҳурта агентликлари ёрдамидан фойдаланиш;

- маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш идоралари томонидан қўллаб-қувватлашни фаоллаштириш, шу жумладан, маҳаллий миқёсда амал қиладиган солиқ имтиёзларини ишлаб чиқиш.

Ривожланган давлатлар каторига қўшилиш йўлида, республикада тадбиркорликни ривожланиши учун кенг қўламдаги имкониятлардан фойдаланиш мумкин. Жумладан:

- мавжуд молия жамғармаларидан тадбиркорликни барқарор ривожлантириш учун тўлиқ фойдаланиш;
- олинган кредитларни оқилона, самарали ишлатиш;
- замонавий чет эл технология ва ускуналарида фойдаланиш;
- замонавий таълим даражасидаги малакали мутахассислардан фойдаланиш ва кадрларга замонавий таълим бериш;
- чет эл фондлари томонидан ажратилган маблағлардан ҳам унумли фойдаланиш;
- ташқи ва ички бозор талабига жавоб берадиган товар маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳамда хизматлар кўрсатиш.

Ушбу масалаларни ҳал этиш учун:

Биринчидан, бошқа мамлакатлардан импорт қилинаётган хом ашё ресурсларининг энг муҳим турларини, бутловчи ва озиқ-овқат маҳсулотларини олиб келтирилишини қисқартириб, чет эл технология ва ускуналарини олиб келиш ҳисобига, ўзимизда импортни ўрнини босадиган маҳсулотларни ишлаб чиқариш керак. Бунинг учун ҳозирги замон талабига жавоб берадиган технологиялардан фойдаланиб, юқорида айтиб ўтган маҳсулотлар билан ўзимизнинг ички ва ташқи бозоримизни таъминлашимиз зарур. Шунингдек, бизнинг шароитда тадбиркорлик илмий-техник тараққиётни ривожлантиришга ёрдам бериши ҳам мумкин. Бунда энг муҳими фан ютуқларимизга таяниб, олимларимиз томонидан яратилаётган янги илмий техника ишларини ривожлантиришни рағбатлантириш айтиш муддаодир. Чунки улар яратган янгиликларни тадбиркорликда ҳўллаш анча арзон тушади. Бизда бундай имкониятлар мавжуд. Янги технология маҳаллий минтақавий шароитда ишлаб чиқилса, жуда кўп иқтисодий имкониятлар қўлга киритилади:

-энг аввало давлат хиссасидаги валюта миқдори тежалади, буни барча техника-технологияни ўзимизда яратилиши билан тушунтириш мумкин;

-иш билан бандлик муаммоси ҳал этилади, жамиятимизнинг демографик вазияти анча яхшиланади;

-янги технологияни қайта жиҳозлаш, деталларни ишдан чиққанда уни ишлаб чиқариш ва ўрнатиш ҳам ўзимизда ҳал этилади;

-яратилган янги технологиялар ўзлаштирилиши учун четдан мутахассис чақирилмай, балки маҳаллий мутахассислар ёрдамида ўқишлар ташкил этилади, бу ҳам давлатнинг валюта чиқимини камайтиради.

Иккинчидан, корхонанинг асосий мавқеи унинг малакали ходимлари билан белгиланади. Корхоналарнинг ривожланиши учун кадрларни ўз соҳаси бўйича билим даражасини ошириш муҳимдир. Бунинг учун айрим соҳа мутахассисларини чет эллардаги етакчи ўқув ва илмий марказларида ўқитиш ҳамда хорижий фирмалар, компанияларда малакасини ошириш, шу билан биргаликда ўзимиздаги халқаро иқтисодий ва молиявий ташкилотлар, ноҳукумат муассасалари ва бошқа ташкилотлар билан кадрларни ўқитиш бўйича тадбирлар кўриб бориш лозим.

Учинчидан, корхоналар, тадбиркорлар, давлатдан ўзлари оладиган маблағлар (кредитлар)ни аниқ мақсадларга йўналтиришлари керак. Олинадиган маблағлардан самарали ва муайян мақсад йўлида фойдаланиш учун катта масъулият сезиш ҳисси катъий бурч бўлиб қолиши керак. Кредитлар ўз вақтида қайтарилишига эришмоқ даркор. Сабаби улардан ишлаб чиқаришни юксалтириш учун энг кўп самара билан фойдаланишга интилишлари лозимлиги кўзда тутилмоҳи зарур.

Тўртинчидан, тадбиркорлик корхоналарини барқарор ривожлантириш учун фондлар ва банклар томонидан ажратилган субсидиялар, шу жумладан қайтариб олинмайдиган субсидиялар манба бўлиб хизмат қилиши лозим.

Бешинчидан, маълумки дунё миқёсида тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш учун халқаро ташкилотлар мавжуд. Ўзбекистонда фаолият юритаётган бир қатор халқаро молиявий ташкилотлар ҳудудий

тадбиркорликни ривожлантириш учун ўз капиллаларини жалб этишга тайёр. Чунки ижтимоий-иқтисодий муҳитнинг барқарорлиги, қолаверса, давлат сиёсатида инвесторларни қўллаб-қувватлашга хос ёндашувлар ўзаро ҳамкорликни олиб боришга имконият яратади. Халқаро ташкилотлар тадбиркорликни ривожлантириш учун маблағлар ажратар экан, бундан оқилона, унумли фойдаланиб, зарур бўлган асосий объектларга сарфлаш лозим деб ҳисоблаймиз.

Олтинчидан, ташқи ва ички бозорларда қандай товарларга эҳтиёж сезилаётганлигини билишимиз учун аввало, маркетинг тизимини йўлга қўйиб, ундан оқилона фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Қайд этиш зарурки, бугунги кунда аксарият кичик ва ўрта корхоналар фаолияти маркетинг соҳасидан йироқдирлар. Маркетинг тизимидан фойдаланишда ҳозирги замонавий компьютер тизимини қўллаш ва бу орқали интернет тизимларини ўзлаштириш айниқса зарурдир. Компьютерлашган тизим жаҳон бозоридаги кунлик нарх-наво, талаб ва таклифни кузатиб боришда энг қулай воситадир. Унинг маълумотларига суяниб иш юритиш талаб этилади. Бу эса ҳар бир корхона учун қандай товар ишлаб чиқариш муҳимлигини белгилаб беради.

Фикримиз якунида қайд этамизки, агарда тадбиркорлик корхоналарини ривожлантиришда юқоридаги таъкидлаб ўтилган таклифлар амалда жорий этилса, тадбиркорликни ривожлантиришдаги самарадорлик даражаси янада ортиб, иқтисодиётимизнинг юксалишига олиб келади.

II боб бўйича хулоса

Олиб борилган илмий тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, вилоят миқёсида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши қишлоқ хўжалигида (99,2%) жуда юқоридир. Фарғона водийси ҳудудлари таркибига кирувчи Наманган вилоятида қишлоқ хўжалиги жуда яхши ривожланган.

Вилоят иқтисодиёти тармоқлари ичида савдо тармоғида кичик бизнеснинг салмоғи 2013 йилдаги ҳолатга нисбатан олганда 0,2 пунктга

пасайган. Бироқ туманлар орасида вилоятнинг ўртача кўрсаткичидан юқори кўрсаткичларга эришган туманлар бор. Улар қаторига Чортоқ (61,4%), Поп (59,7%) туманларини киритиш мумкин.

Наманган вилояти иқтисодиёти таркибида қурилиш соҳаси бугунги кунда алоҳида ўрин тутди. Мазкур тармоқда амалга оширилган қурилишлар ҳажмида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши 91,9% ни ташкил этади. Аммо бу кўрсаткич 2013 йилдаги ҳолатдан 0,6 пунктга камайган.

Вилоят маркази ҳисобланган Наманган шаҳрининг архитектура кўриниши бутунлай ўзгартирилди. Шунингдек, қишлоқ жойларида ҳам талайгина қурилиш ишлари амалга оширилдики, бунда кичик бизнес субъектлари фаоллик кўрсатдилар. Бир қатор замонавий иншоотлар, кўприklar, савдо марказлари қуриб битказилди.

Вилоятда қишлоқ хўжалиги ва транспорт соҳалари тўлалигича нодавлат мулк шаклига ўтказилди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга эътибор кучайтирилди.

Шу билан бир қаторда Наманган вилоятидаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланишида муайян даражадаги муаммолар юзага келган бўлиб, уларни ҳал этиш бугунги кунда жуда муҳим. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни иқтисодиёт тармоқларидаги ривожланиши нотекис бўлиб, айниқса, саноат ва савдо тармоқларига алоҳида эътибор қаратиш керак.

Шунинг учун Наманган вилоятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг давлат томонидан қўллаб-қувватлаш мақсадидаги саъй-ҳаракатлар сўнгги йилларда кучайди. Хусусан, 2010-2014 йиллар мобайнида ҳукуматимиз томонидан 5 дан ортиқ меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Ушбу меъёрий ҳужжатлар Ўзбекистонда жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни ислоҳ қилиш ҳамда модернизациялаш мақсадидаги вазифаларни амалга ошириш юзасидан қабул қилинди.

Ўз навбатида Наманган вилоятида ҳам бу каби жараёнлар ўзининг ижобий натижасини бермоқда.

3-боб: Иқтисодиёт тармоқларида тадбиркорликни давлат томонидан тартибга солишни такомиллаштириш йўналишлари

3.1. Иқтисодиёт тармоқларида тадбиркорлик фаолиятини такомиллаштириш учун шарт-шароитлар яратиш

Маҳаллий иқтисодиётнинг барча тармоқларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти учун хизмат кўрсатувчи инфратузилмани устувор даражада ривожлантириш чоралари кўриб борилмоқда. Бунда асосий эътибор қишлоқ жойларида электр энергияси иншоотлари ва тармоқларини ривожлантиришга, саноатнинг қайта ишловчи корхоналарини қуриш ва техника билан қайта ускуналашга қаратилади. Қишлоқ жойларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун зарур бўлган муҳандислик ва ишлаб чиқариш инфратузилмаси объектлари, водопроводлар, канализация тизими ва иншоотлари, газ ва электр таъминоти тармоқлари, йўллар, телекоммуникация тизимлари тобора кенгайтириб борилмоқда. Қишлоқда ишлаб чиқариш инфратузилмасини шакллантириш давлат дастури ва маҳаллий дастурларга мувофиқ амалга ошириб келинмоқда.

Наманган вилоятида бозор инфратузилмасини кенг кўламда ташкил этиш ва уни жадаллаштириш жараёнларини бошқариш, уни жаҳон иқтисодиёти талабларига мослаштириш мақсадида республика вилоятларида бозор қайта ўзгартиришларини давлат томонидан тартибга солишни амалга ошириш, бозор инфратузилмасини ривожлантиришнинг самарали тизимини шакллантириш, республика ички ва ташқи иқтисодий хўжалик алоқаларини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш йўлидаги ислохотлар кучайтирилди.

Хусусий тадбиркорликни ва кичик бизнесни давлат томонидан тартибга солишда уларга банк кредитлари бериш, шу жумладан имтиёзли микрокредитлар бериш асосида инвестиция лойиҳаларини маблағ билан таъминлашни, уларнинг устав сармояларида иштирок этишни, маслаҳат ва ахборот хизматлари шаклида техник ёрдам кўрсатишни амалга оширувчи

худудий тармоқлари ривожлантирилди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни суғурта йўли билан ҳимоя қилиш бўйича худудий агентликлар ташкил этилди. Бу агентликлар тадбиркорлик таваккалчиликларини имтиёзли шартларда суғурта йўли билан ҳимоя қилган, тўланмаган қарзлар учун қарздорларнинг жавобгарлигини суғурта қилган, хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни ривожлантиришга йўналтирилаётган чет эл инвестициялари суғурта йўли билан ҳимоя қилинишини таъминлаган ҳолда кичик ва хусусий корхоналарнинг кредитлар, шу жумладан имтиёзли кредитлар олишлари учун инвестиция лойиҳаларини баҳолайдилар ва экспертизадан ўтказадилар. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватловчи бошқа фондлар, суғурта муассасалари ташкил этилади.

Маълумки, Республика минтақаларида давлат органларида тадбиркорлик тузилмалари манфаатларини ифодалайдиган, бозор конъюнктурасини ўрганишда, ахборот-таҳлилий материалларни тайёрлаш ва тарқатишда, корхоналарни рўйхатга олишда, янгидан ташкил этилаётган корхоналар таъсис ҳужжатларини тайёрлашда, юридик ва техник маслаҳатлар беришда қўмаклашадиган “Савдо–саноат палатаси” фаолият кўрсати боради. Эндиликда ушбу палатанинг фаолиятини кенгайтириш чораларини кўриш лозим.

Ушбу чора-тадбирлар қаторида яна қуйидагиларни кўриш лозим:

- кичик ва хусусий бизнес учун кадрлар тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини ошириш;
- ишлаб чиқаришни бошқаришда инновацион ёндашувларни жорий этиш ва уларни ривожлантириш;
- тегишли механизмни жорий этиш натижасида бозорда рақобатни таъминлаш;
- кичик ва хусусий бизнес корхоналарини юқори маҳсулдор чиқитсиз ишлайдиган янги технологиялар билан жиҳозлаш;

- кичик ва хусусий бизнесни ривожлантиришда индикатив-маркетинг йўналишларини кучайтириш.

Алоҳида қайд этиш керакки, вилоятдаги тижорат банкларида кредит портфелининг сифатини оширишга эътиборни кучайтириш зарур. Шунда захиралар ҳажми ортиб, кредит таваккалчилигини қоплаш учун имкон яратилади. Тижорат банклари кредит портфелининг сифатини яхшилаш учун эса қуйидагиларни амалга ошириш зарур деб ҳисоблаймиз:

- тижорат банклари тизимида селектив (танлаб) кредитлаш усуллари аҳамиятини ошириш;
- кредитланаётган соҳани чуқур молиявий таҳлил қилиш;
- ссудалар устидан қаттиқ назорат ўрнатиш;
- кредитлаш жараёнини самарали назорат этиш;
- фойдага алоҳида эътибор бериш каби иқтисодий муаммоларни ҳал қилиш лозим.

Кичик ва хусусий бизнес субъектларидан эса ўз фаолиятларини бориши тўғрисида ҳисобот бериб туриш талаб этилади. Бу шартларнинг тўлиқ бажарилиши хўжалик юритувчи субъектлар билан банклар ўртасидаги иқтисодий муносабатларни барқарорлашувини таъминлайди.

Бу тадбирлар Республика миқёсида кичик ва хусусий фирмаларнинг экспорт имкониятлари бозоридаги рақобатни кучайтиришга замин яратади, иқтисодий салоҳиятни оширишга туртки беради.

Демак, банклар томонидан кўрсатиладиган хизмат турларини ошириш туфайли кичик ва хусусий бизнес субъектлари:

- молиявий ресурслардан омилкорлик билан фойдаланади, қайси соҳага сарфланса кўпроқ ва тезроқ самара келтириши бўйича етарли малакага эга бўлади;
- бозордаги ўзгаришлар, янги технология, эҳтиёжларга сезгирлик билан ёндашади;

- янги бозорлар ташкил этишга ҳаракат қилади, бозорни йирик корхоналар ҳажми етарли эмас, деб ҳисоблайдиган, аммо харидор талаб қилаётган сифат ва турдаги маҳсулотлар билан тўлдиради;
- кичик ва ўрта фирмаларнинг фаолият кўлами кенгайиши ўсиб бораётган истеъмол талабларининг қондирилишига муҳим ҳисса қўшади.

Тадбиркорлик субъектларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш мақсадида маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш, ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатиш учун фойдаланилмаётган бинолар белгиланган тартибда ижарага берилмоқда. Тугалланмаган қурилишнинг ишлаб чиқариш объектлари ва фойдаланилмаётган асбоб-ускуналари ким ошди савдолари ва танловлар орқали сотилмоқда.

Қишлоқдаги давлат мулки объектларини маҳаллий аҳолига тегишли бўлган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига устувор бериш мақсадида давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш чоғида давлат мулкини сотиш бўйича ёпиқ танловлар ўтказилиб бориляпти. Тўхтатиб қўйилган ва фойдаланилаётган асосий фондларни ва ишлаб чиқариш қувватларини, шунингдек ижтимоий инфратузилма объектларини кичик ва хусусий тадбиркорларга сотиш ташкил этилди.

Наманган вилоятининг қишлоқ жойлардаги кичик ва хусусий корхоналарга ресурс таъминотида, маҳсулотни сотишда ва транспорт хизмати кўрсатишда ёрдам берадиган, маҳсулотни сақлаш, қайта ишлаш ва сотишни амалга оширадиган, аҳолига коммунал, маиший, тузатиш-қурилиш хизматлари кўрсатадиган, жамоа, деҳқон хўжаликлари аъзолари, шахсий ёрдамчи хўжаликлар эгаларини ўқитадиган, ахборот таъминоти ва юридик маслаҳат хизматларини кўрсатадиган Бизнес марказлар ташкил этилмоқда.

Хусусий қўйилмаларга асосланган, илғор технологик асбоб-ускуналар, хом ашё ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш учун бутловчи буюмларни сотиб олиш учун маблағларни биринчи навбатда мақсадли айирбошлаш ҳукуқига эга бўлган агроинвестиция фирмалари ташкил

этилмоқда, контрактлар Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги органларида рухсат берувчи бўлимлар рўйхатидан ўтказилмоқда. Фаолият турлари бўйича майда ишлаб чиқарувчиларнинг уюшмаларини ташкил этишга ёрдам берилмоқда, бу уюшмалар ўз манфаатларини жамоа йўли билан ҳимоя қилиши, хўжалик юритишнинг илғор усулларини қўллашлари лозим.

Кредит муассасаларини ривожлантириш, ихтисослашган тижорат банклари тармоғини, шу жумладан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида инвестиция фаолиятини амалга ошириш учун хорижий сармоя иштирок этган тижорат банклари тармоғини кенгайтириш давом этмоқда. Савдо уйлари, инвестиция компаниялари, инвестиция воситачилари, фонд дўконлари, клиринг ва агентлик тармоқлари фаолияти кенгайтирилмоқда. Кичик бизнес ва хусусий корхоналарни ахборот билан таъминлашда, бозор конъюнктурасини ўрганаётган, бозор имкониятларига ахборот хизмати кўрсатишни таклиф этаётган хусусий корхоналар ишида, тармоқлараро маълумотлар банкни яратишда ёрдам берилмоқда.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳосили нобудгарчилигига йўл қўймаслик, унинг тўсиқсиз қабул қилиниши, сақланиши ва кейинчалик истеъмол тармоғида тақсимланишини таъминлаш мақсадида кичик ва хусусий улгуржи-воситачилик тузилмалари, ихтисослашган бозорлар, улгуржи дўконлар, базалар, сақлаш жойлари, омборхоналар жадаллик билан ривожлантирилмоқда. Деҳкон (фермер) хўжаликларини қишлоқ хўжалиги экинларининг юқори нав уруғлари ва экиш материаллари билан ўз вақтида таъминлаш учун қишлоқ жойларда уруғ етиштирадиган ҳамда уларни сотадиган уруғчилик корхоналари ташкил этилмоқда. Қишлоқдаги тадбиркорларга тузатиш-тиклаш, агрокимё, зооветеринария ва хизматларнинг бошқа турларини кўрсатадиган агросервис корхоналари ташкил этилмоқда.

Давлат миграция жараёнларини қишлоқ фойдасига ўзгартиришга демография сиёсати ўтказилишини, оилани ҳар томонлама ривожлантириш учун ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитлар яратилишини, кичик бизнес ва

хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун шарт-шароитларни таъминлаш ва уни рағбатлантириш йўли билан аҳолини иш билан таъминлашни амалга оширади. Аҳолининг қишлоқда ўрнашиб қолиш жараёнини рағбатлантириш ва уни кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорлик соҳасидаги ишга жалб қилиш мақсадида қишлоқ жойларда шаҳарга нисбатан (аҳоли жон боши ҳисобига) турар жой, таълим, маданият ва спорт, соғлиқни сақлаш объектларини қуришда, газлаштириш, сув ва электр таъминотида, телефонлаштиришда, алоқада, коммунал объектларни қуришда, радио ва телевидение хизматларида афзалликлар яратиш назарда тутилди.

Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш чоғида ижтимоий соҳани ривожлантиришга инвестициялар улушини, шу жумладан хорижий инвестицияларни жалб қилиш, ижтимоий соҳа объектларини аҳоли эҳтиёжларини қондириш бўйича фаолиятни ташкил этиш учун кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига бериш йўли билан ижтимоий соҳани қўллаб-қувватлаш тадбирлари амалга оширилмоқда.

Тадбиркорлик муҳитини яратишнинг устувор йўналиши қишлоқ жойларда билим ва меҳнатни кўп талаб қиладиган хизмат соҳасини жадал ривожлантиришни, интенсив деҳқончиликка ўтишни, қишлоқ ижтимоий-ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантиришни, қишлоқ жойларда экология талаблари таъминланишини, шунингдек аҳолининг зарур ҳаракатчанлигини таъминловчи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини яратиш ҳисобланади. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлаш, халқ истеъмол товарлари, ишлаб чиқариш-техник мақсадлардаги маҳсулотлар, қурилиш материаллари ишлаб чиқарадиган, шунингдек қурилиш фаолиятини амалга ошираётган, тузатиш, тузатиш-қурилиш, маиший ва коммунал хизматлар кўрсатаётган кичик бизнес субъектлари ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда.

Хулоса шуки иқтисодиётнинг турли тармоқларидаги кичик бизнес корхоналарининг фаолиятини ташкиллаштиришда уларга шарт-шароитлар

яратиш лозим. Бу шарт-шароитлар давлатнинг кўмаги остида амалга оширилиб, давлат томонидан тартибга солиб борилади.

3.2. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари

Тадбиркорликни шакллантириш ҳамда ривожлантириш жараёнларини давлат томонидан тартибга солиш ва бошқаришнинг иқтисодий чора-тадбирлари асосида амалга ошириб бориляпти. Бунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида ишлаб чиқаришнинг оқилона жамланиши, ихтисослашуви ва жойлашиши қарор топиши, ишлаб чиқариш кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик эҳтиёжларидан келиб чиқиб қайта йўналтирилиши муносабати билан инвестициялар тузилмаси ўзгариши таъминланди.

Хукумат томонидан қабул қилинган қарорлар ва дастурларда белгиланган параметрларни вилоятда ижросини таъминланиши ҳисобига 2014 йил январ-декабр ойлари якуни билан иқтисодиётнинг барча соҳаларида барқарор ўсиш суръатлари таъминланди.

Мазкур қарорга асосан вилоятда 2014 йил давомида 1524,5 млрд. сўмлик капитал қўйилмалар шундан, 14,7 млрд. сўм бюджет маблағлари, 1,3 млрд. сўм маҳаллий бюджет маблағлари, 108,5 млрд. сўм бюджетдан ташқари фонд маблағлари, 150,9 млрд. сўм ҳукумат кафолатидаги хорижий инвестиция ва кредитлари, 361,4 млрд. сўм Ўзбекистон Республикаси РРҚЖ маблағлари, 256,8 млрд. сўм корхона ва ташкилот маблағлари, 235,6 млрд. сўм банк кредити маблағлари, 321,8 млрд. сўм аҳоли ва хусусий шахслар маблағлари ҳамда 56,1 млрд. сўм тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ўзлаштирилиши белгиланган.

Ҳисобот якунида барча манбалар ҳисобидан 1620,0 млрд.сўм миқдорида инвестиция ўзлаштирилиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 34,3 пунктга кўп жалб этилиши таъминланди. Шу даврда 928,3 млрд. сўмлик қурилиш ишлари бажарилиб, ўсиш суръати 111,0 фоизни ташкил этди (прогноз 110,9%).

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, корхоналар акцияларининг опцион пакетларини сотиш тизими қўлланилиб, уларни хусусий инвесторларга (аҳолига) сотиш квоталари белгиланади. Қишлоқда давлат мулкини хусусий мулк қилиб сотиш, ким ошди савдолари ва танловлар орқали давлат тасарруфидан чиқариш ҳамда хусусийлаштириш усуллари кенг ривожлантириш, хусусийлаштирилаётган савдо, хизмат кўрсатиш соҳаси, турар жой объектлари жойлашган ер майдонларини сотиш давом этади. Қишлоқ хўжалиги ерларини мерос қилиб қолдириш ҳукуқи билан муддатсиз фойдаланишга бериш бўйича ким ошди савдолари ва танловларни ўтказиш амалиёти кенгайиб борапти.

Маълумки, тадбиркорликни бошқариш ва ривожлантиришни рағбатлантиришга оид қонун ҳужжатлари қабул қилинди, амалдаги норматив-ҳуқуқий механизм такомиллаштирилмоқда. Мулкчиликнинг барча шаклларидаги корхоналар тенглиги таъминланди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан устувор маҳсулот турларига киритилган давлат эҳтиёжлари учун сотиб олинadиган ва етказиб бериладиган маҳсулот турлари бўйича шартномаларни шакллантириш, тақсимлаш ва тузишда давлат эҳтиёжлари учун етказиб бериладиган мазкур маҳсулот тури умумий ҳажмининг камида 15 фоизи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ўртасида ўтказиладиган танловлар асосида кичик бизнес субъектларида тақсимланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 18 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2014 йилги Инвестиция дастури тўғрисида”ги ПҚ-2069 сонли қарори асосида вилоят ҳокимининг 2014 йил 11 январдаги “Наманган вилоятининг 2014 йил Ҳудудий инвестиция дастури тўғрисида”ги 11-сонли қарори қабул қилинган.

Мазкур қарорга асосан марказлашган инвестициялар ҳисобидан 1,3 млрд. сўм, номарказлашган инвестициялар ҳисобидан 368,1 млрд. сўм жами 369,4 млрд. сўм миқдорида капитал маблағлар ўзлаштирилиши режалаштирилган.

Жумладан, 1,3 млрд. сўм бюджет, корхона ва ташкилотларнинг ўз маблағлари ҳисобидан 161,6 млрд. сўм, банк кредити маблағлари ҳисобидан 160,9 млрд. сўм, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳисобидан 35,3 млрд. сўм ҳажмида инвестиция жалб этилиши кўзда тутилган.

Йил якуни билан 14,8 млрд. сўм маҳаллий бюджет, корхона ва ташкилотларнинг ўз маблағлари ҳисобидан 178,0 млрд. сўм, банк кредити маблағлари ҳисобидан 133,3 млрд. сўм, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳисобидан 31,5 млрд. сўм ҳамда бошқа манбалар ҳисобидан 13,7 млрд. сўм жами 371,3 млрд. сўм миқдорида капитал маблағлар ўзлаштирилди.

Мазкур қарорга асосан, саноатни ривожлантириш бўйича 392 та, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш соҳасида 363 та, хизмат ва сервисни ривожлантириш соҳасида 592 та, ижтимоий соҳа объектларидан 36 та ҳамда бошқа соҳаларни ривожлантириш борасида 13 та, жами 1396 та инвестиция лойиҳаларини амалга оширилди. Бу ишлар натижасида 11,2 мингдан ортиқ иш ўринлари яратилди.

Шунингдек, аҳолига замонавий ва сифатли хизмат кўрсатиш соҳасида ҳам сезиларли ишлар олиб борилмоқда. 2014 йил якуни билан 592 та савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шаҳобчалари фойдаланишга топширилди. Бу ишларга 50,0 млрд. сўмдан ортиқ капитал маблағлар сарфланди. Натижада 2,2 мингдан ортиқ янги иш ўринлари яратилди.

2014 йил якуни билан 392 та ишлаб чиқариш объектлари фойдаланишга топширилди. Ушбу лойиҳаларда жами 124,9 млрд. сўм (70,3 млрд. сўм ўз маблағи, 54,4 млрд. сўм банк кредити, 0,2 млрд. сўм тўғридан-тўғри хорижий инвестиция) миқдорида инвестициялар ўзлаштирилиб, 7200 та янги иш ўринлари яратилди.

Жумладан, Наманган шаҳрида 139 та, Мингбулоқ туманида 8 та, Косонсой туманида 18 та, Наманган туманида 34 та, Норин туманида 17 та, Поп туманида 13 та, Тўрақўрғон туманида 29 та, Уйчи туманида 17 та,

Учқўрғон туманида 37 та, Чортоқ туманида 22 та, Чуст туманида 36 та ва Янгиқўрғон туманида 22 та ишлаб чиқариш лойиҳалари фойдаланишга топширилди.

Шу билан бирга, қишлоқ хўжалиги соҳасида йил якуни билан 363 та лойиҳалар тўла амалга оширилиб фойдаланишга топширилди. Ушбу лойиҳаларда жами 40,4 млрд. сўм (19,3 млрд. сўм ўз маблағлари, 21,1 млрд. сўм банк кредити) миқдорида инвестициялар ўзлаштирилиб, 1739 та янги иш ўринлари яратилди.

Бироқ, бунуги кунда янгидан янги норматив ҳужжатлар ишлаб чиқилмоқда ва мулкда давлат улуши бўлган корхоналарни бошқариш ҳуқуқини нодавлат тузилмаларига (хўжалик уюшмаларига) бериш тизимидан давлат мулкни бошқаришнинг траст шартномалари тизимига ўтиш амалга оширилмоқда. Турли мулкчилик ва ташкилий шаклларга эга бўлган корхоналар намунавий таъсис ҳужжатлари пакетлари тасдиқланмоқда. Тадбиркорлик фаолиятини тартибга солувчи асосий қонун ҳужжатларини ягона талқин қилувчи шарҳлар тайёрланмоқда, Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш тармоқ ва минтақа дастурларини ишлаб чиқиш, корхоналарнинг давлат билан маҳсулот ишлаб чиқариш, ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш шартномаларини тузишларига оид танловларни ўтказиш бўйича методик материаллар тайёрланмоқда.

Давлат бошқаруви органлари кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини замонавий асбоб-ускуналар билан таъминлашда, технопарклар, лизинг корхоналари, бизнес-инкубаторлар, ишлаб чиқариш-технология марказлари тармоқларини ва инфратузилманинг бошқа объектларини яратишда ёрдам беришга оид чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқишни амалга оширмоқдалар.

Давлат органлари кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун ишлаб чиқаришни жойлаштириш ҳамда ихтисослаштирилган асбоб-ускуналар ва бошқа маҳсулот турларини етказиб беришга оид тадбирларни амалга оширадилар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари

маҳсулотларини сотиш бўйича ихтисослаштирилган улгуржи бозорлар, ярмаркаларни уюштириш ва улар фаолиятларини ташкил қилишда, шу жумладан бинолар, иншоотлар, асбоб-ускуналар, ишлаб чиқариш ва ёрдамчи биноларни, давлат мулки бўлган бошқа мол-мулкни бериш йўли билан кўмаклашадилар. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ишлаб чиқариш-технология жихатдан қўллаб-қувватлаш имтиёзли шартларда амалга оширилиши мумкин. Бунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига нисбатан ишлаб чиқариш-технологик қўллаб-қувватлашни амалга ошираётган корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда имтиёزلардан фойдаланиб келмоқдалар.

Маълумки, кичик бизнес субъектлари фаолиятини рағбатлантиришда солиқ тизимидан фойдаланиш ўз самарасини бермоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 4 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2015 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ 2015 йилда иқтисодиётнинг барча тармоқларидаги корхоналар, микрофирма ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўловининг амалдаги 7 фоизли ставкаси 1 фоизга камайтирилиб 6 фоиз қилиб белгиланган эди.

Солиқ солиш тартиби, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини солиқ тўлашдан озод қилиш, уларни тўлашни кечиктириш ва бўлиб-бўлиб тўлаш солиқ қонунчилигига мувофиқ белгиланади. Кичик бизнес субъектларига солиқ кредити бериш тизими жорий этилади, шунингдек давлат тасарруфидан чиқарилган ва хусусийлаштирилган мулкдан ва табиий ресурслардан самарали фойдаланишни тартибга солувчи солиқлар жорий этилади.

Қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилишни чуқурлаштиришнинг устувор вазифалари мамлакат ҳаёти ва иқтисодиётида аграр соҳанинг тутган ўрни, мамлакатнинг иқтисодий мустақиллигини таъминлаш, ислохотни босқичма-

босқич амалга ошириб бориш ва ривожлантиришнинг муҳим аҳамиятга эга эканлигидан келиб чиқмоқда.

Қишлоқда янгича хўжалик юритиш механизмининг, қишлоқ хўжалигини молиялаштириш, кредитлаш ва суғурта қилишнинг янги тизимини, қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқарилган маҳсулот ва қишлоққа келтириладиган техника, ёқилғи ва минерал ўғитлар учун бўладиган ўзаро ҳисоб-китобнинг асослари ишлаб чиқилди ва тадбиқ этилди. Қишлоқ хўжалик корхоналарининг иқтисодий мустақиллиги кенгайди.

Амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида 2014 йилда жами қишлоқ хўжалигида етиштирилган маҳсулотлар ҳажмининг асосий қисми нодавлат сектори ҳиссасига тўғри келади. Иқтисодиётнинг аграр секторида мустаҳкам ва барқарор ривожланиш таъминланди.

Мустақиллик йилларида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш структураси тубдан ўзгарди. Қишлоқ хўжалигида экинларни жойлаштиришда илмий асосланган усуллар жорий этилди.

Наманган вилоятининг қишлоқ жойларда рақобатга бардошли маҳсулотларни ишлаб чиқаришни, экспорт ҳажмини кўпайтиришни, ишлаб чиқариш чиқимларини камайтиришни, ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланишни яхшилашни, қишлоқда қўшимча иш ўринлари ташкил этишни таъминлайдиган ишлаб чиқаришларни ташкил этиш лойиҳаларига биринчи навбатда ёрдам берилди. Иқтисодиётнинг устувор соҳаларида ва энг аввало қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳамда қайта ишлаш, озиқ-овқат, саноат товарлари, халқ истеъмол товарлари, дори-дармонлар ва тиббиёт асбоб-ускуналарини ишлаб чиқариш, коммунал ва маиший хизматлар кўрсатиш, турар жой, ишлаб чиқариш ва ижтимоий мақсадлардаги объектларни қуриш, инновация фаолияти ва илм-фанни кўп талаб қиладиган ишлаб чиқаришларни ташкил этиш соҳасида кичик бизнес ва хусусий корхоналарга имтиёзлар ва афзалликлар берилди. Қишлоқ хўжалиги хом ашёси ва маҳаллий хом ашёни қайта ишлаш учун замонавий технологик асбоб-ускуналар тўпламларини етказиб бериш ташкил этилди,

кооперациялашган сервис хизмати тизими ташкил этилди. Мини заводлар ва мини технологияларни тайёрловчи ишлаб чиқаришлар ташкил этилди.

Вилоятда 2014 йилда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми ўсиши билан бирга саноат корхоналарида янги ишчи ўринлари яратиш, эскирган технологияларни модернизация қилиш яъни янги технологияларни олиб кириш, янги турдаги маҳсулотларни ўзлаштириш, экспортбоп маҳсулотлар турларини кўпайтириш борасидаги ишлар амалга оширилди.

Илмий-техника ва ишлаб чиқариш базасини мустаҳкамлаш, стандартлар ва маҳсулотлар сифати соҳасидаги тартибга солишлар йўли билан кичик бизнес ва хусусий корхоналар ишлаб чиқарадиган товарларнинг рақобатга бардошлилигини ошириш чора-тадбирлари тизими ихлаб чиқилмоқда. Кичик ва хусусий корхоналарни жадал техник қайта жиҳозлаш рағбатлантирилди. Технологик инкубаторлар, қайта ишловчи ва маҳсулотнинг янги турларини ишлаб чиқарувчи корхоналар намунавий лойиҳалари яратилмоқда, уларни кенг жорий қилиш ва янги технологиялар шароитларида йўналиш бўйича ўқитиш ташкил этилди. Кейинчалик кичик ва хусусий тадбиркорларга сотиш учун тамоман янги маҳсулотни ишлаб чиқариш технологияси лицензияларини сотиб олиш амалга оширилади.

Хусусийлаштиришдан кейинги даврда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг хўжалик юритувчи субъектлари барқарорлигини таъминлаш учун корхоналарни қайта тузиш ва қайта таъмирлашни маблағ билан қўллаб-қувватлаш тартиби жорий этилди. Корхоналарнинг молиявий имкониятларини баҳолашни, бозор талабларини ҳисобга олган ҳолда уларни техник, технологик ва ташкилий-иқтисодий қайта ўзгартириш режаларини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Эндиликда вилоят марказларида асбоб-ускуналар ва мини технологияларнинг, шу жумладан чет эл асбоб-ускуналари ва мини технологияларининг доимий ишловчи кўргазмалари ташкил этиб бориляпти.

Вилоятда иқтисодиётнинг молиявий муттаносиблиги таъминланди. Маҳаллий бюджетнинг даромад қисми бўйича барча кўрсаткичлар ошириб

бажарилганлиги туфайли бюджет тўловларини ўз вақтида амалга ошириш имконияти яратилди. Давлат органлари янги илмий-техника инфратузилмаси, шу жумладан, фанга ва илмий ишлаб чиқаришга, кичик ва хусусий фирмаларга, компанияларга, хизмат кўрсатувчи ёрдамчи, функционал, илмий ишлаб чиқариш инфратузилмаси барпо этилишига кўмаклашади.

Кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ахборот хизмати кўрсатиш имтиёзли шартларда амалга оширилди. Кредит муассасалари, қимматли қоғозлар бозорининг аҳволи ва акциялар котировкаси тўғрисидаги ахборот, шунингдек хўжалик юритувчи субъектлар ва эҳтимол тутилган шериклар ҳақидаги ахборот эълон қилинди. Маркетинг, бошқарув маслаҳати, аудит, реклама, мониторинг, ташқи иқтисодий операциялар соҳасида ихтисослаштирилган кичик ва хусусий корхоналар тизими янада ривожланди.

Қишлоқда аҳолининг иш билан таъминланиши муаммосига алоҳида эътибор берилади. «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида» янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ишлаб чиқилиб унга кўра бандлик масалалари анча ёнгиллаштирилди. Ушбу Қонунда ишлаб чиқаришнинг қайта тузилиши натижасида бўшаб қолган ходимларга ижтимоий кафолатлар берилишини таъминлаш, аҳолининг иш билан таъминланганлиги ҳолатига боғлиқ равишда муайян ҳудудларда қисқартирилган иш вақти жорий этиш имконияти, янги иш жойлари ташкил этиш бўйича иш берувчиларнинг чиқимларини қисман хусусий тадбиркорликни ва кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш муассасалари томонидан компенсация қилиш ва бўшатилиши керак бўлган шахсларни қайта ўқитиш бўйича ўқув тузилмалари ташкил этиш назарда тутилади.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспорт-импорт операцияларида қатнашишини кенгайтириш, шунингдек ушбу субъектларнинг ташқи иқтисодий фаолият соҳасидаги дастурлар ва лойиҳаларни амалга оширишда, халқаро кўرғазмалар ва ярмаркаларда иштирок этиши бўйича чора-тадбирлар амалга оширилади. Кичик бизнес ва

хусусий тадбиркорликка хорижий сармоя инвестиция лойиҳалари, чет элда реклама ташкил этиш асосида жалб этилади. Чет эл инвестициялари очик тендер асосида давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнида ҳамда махсус инвестиция савдолари орқали, шунингдек бошқа усуллар ва механизмлар воситасида жалб этилади. Чет эл инвесторлари жалб қилинган ҳолда техникавий ёрдам дастурлари доирасида пилот лойиҳалари амалга оширилади, янги илмий-техника инфратузилмаси фанга ва фирмалар, компаниялар, марказларнинг илмий ишлаб чиқаришига хизмат кўрсатувчи ёрдамчи, функционал, илмий-ишлаб чиқариш инфратузилмаси ташкил этилади. Тарифли божхона бошқаруви такомиллаштирилади.

3.3. Тадбиркорликни бошқариш ва рағбатлантиришда Давлат дастурини амалга оширишни молиявий таъминлаш

Тадбиркорликни рағбатлантириш бўйича давлат томонидан маблағ билан таъминлаш иқтисодиётнинг нормал мавжуд бўлиши учун зарур бўлган ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани барпо этиш қисми бўйича бюджет маблағлари ҳисобидан, шунингдек давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнида олинган маблағлар ҳисобидан амалга оширилади. Ушбу мақсадларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига имтиёзлар беришда пайдо бўладиган бюджетнинг, кредит, суғурта муассасалари ва корхоналарининг йўқотишларини компенсация қилишга, кредитларга кафолат беришга ва тадбиркорлар фаолиятини суғурта қилишга даъват этилган турли уюшмалар ташкил этилди.

Вилоятни 2013-2015 йилларда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш Дастурига асосан 2014 йил давомида 204,7 млрд сўм миқдорида маблағ ўзлаштириш ҳисобига 1347 та лойиҳаларни ишга тушириб, (саноат соҳасида 392 та, хизмат кўрсатиш соҳасида 592 та, қишлоқ хўжалиги соҳасида 363 та) 11115 та иш ўрни яратиш кўзда тутилган.

Ҳисобот даврида 1347 та (режага нисбатан 100,0%) лойиҳалар (саноат соҳасида 392 та, хизмат кўрсатиш соҳасида 592 та, қишлоқ хўжалиги

соҳасида 363 та) амалга оширилиб, 11182 та (100,6%) иш ўринлари барпо этилди. Ушбу мақсадлар учун 215,3 млрд. сўм маблағлар (шундан, 135,3 млрд. сўми ташаббускорларнинг ўз маблағлари, 79,8 млрд. сўми банк кредитлари, 100,0 минг АҚШ доллари хорижий инвестициялар) сарфланди. Жумладан:

- **саноат йўналишида** 392 та (100,0%) лойиҳалар, шундан енгил саноат йўналишида 41,1 млрд. сўмлик 127 та лойиҳа (3771 та иш ўрни), озиқ-овқат йўналишида 20,7 млрд. сўмлик 70 та лойиҳа (672 та иш ўрни), қурилиш материаллари саноатида 27,9 млрд. сўмлик 124 та лойиҳа (1681 та иш ўрни), чарм бойабзали йўналишида 1,5 млрд. сўмлик 8 та лойиҳа (86 та иш ўрни), машинасозлик ва метални қайта ишлаш соҳасида 12,2 млрд. сўмлик 17 та лойиҳа (337 та иш ўрни), мебел ва қоғоз саноатида 3,0 млрд. сўмлик 24 та (243 та иш ўрни), кимё ва нефткимё саноатида 9,6 млрд. сўмлик 16 та лойиҳа (259 та иш ўрни), электротехника саноатида 402,0 млн. сўмлик 4 та лойиҳа (44 та иш ўрни) ҳамда фамоцевтика саноатида 8,4 млрд. сўмлик 2 та лойиҳа (107 та иш ўрни) амалга оширилиб, 7200 та иш ўринлари (100,0%) яратилди. Ушбу лойиҳаларга 124,9 млрд. сўм маблағлар (шундан, 54,4 млрд. сўми банк кредити ва 100,0 минг АҚШ доллар хорижий инвестициялар) йўналтирилди.

- **хизмат кўрсатиш ва сервис йўналишида** 50,0 млрд сўм маблағ сарфлаш ҳисобига жами 592 та (100%), жумладан, 317 та савдо ва умумий овқатланиш шохобчалари, 5 та компьютер дастурлаштириш хизмати, 4 та қурилиш хизмати, 22 та қишлоқ хўжалиги техникаларини таъмирлаш ва техника хизмати, 159 та маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, 22 та молия хизмати, 14 та соғлиқни сақлаш хизмати, 2 та технологик жихозларни таъмирлаш ва техника хизмати, 3 та транспорт хизмати, 2 та туризм хизмати ва бошқа 42 та турдаги хизматлар кўрсатиш шохобчалари ташкил этилиб, 2243 та (100,4%) иш ўринлари яратилди.

- **қишлоқ хўжалиги йўналишида** 40,4 млрд. сўм маблағлар сарфланиши ҳисобига 363 та лойиҳалар (100,0%) амалга оширилиб, 1739 та янги иш ўринлари (103,5%) яратилди. Жумладан, 2313 бош қорамол боқишга

ихтисослашган 66 та қорамолчилик, 557,5 минг бош парранда боқишга ихтисослашган 32 та паррандачилик, 205,8 гектар майдонда 39 та балиқчилик, 37 та асаларичилик (1236 та оила) хўжаликлари ташкил этилиб, 11,4 гектар майдонда 24 та иссиқхоналар, 37 та фермер хўжаликлари томонидан 301,1 гектар токзорлар ҳамда 128 та фермер хўжаликларида 728,0 гектар интенсив боғлар барпо этилди.

Дастур асосида 2014 йилда тижорат банклари томонидан 376 та лойиҳаларга жами 73,5 млрд. сўм, шундан, саноат йўналишидаги 213 та лойиҳаларга 53,4 млрд. сўм, хизмат кўрсатиш йўналишидаги 24 та лойиҳаларга 5,3 млрд. сўм ва қишлоқ хўжалиги йўналишидаги 139 та лойиҳаларга 14,8 млрд. сўм кредит маблағлари ажратилиши белгиланган бўлиб, йил якуни билан жами 377 та лойиҳаларга 79,8 млрд. сўм (режага нисбатан 108,5%), шундан, саноат йўналишидаги 214 та лойиҳаларга 54,4 млрд. сўм, хизмат кўрсатиш йўналишидаги 23 та лойиҳаларга 4,3 млрд. сўм ва қишлоқ хўжалиги йўналишидаги 140 та лойиҳаларга 21,0 млрд. сўм кредит маблағлари ажратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 4 февралдаги “2014-2016 йилларда саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни янада чуқурлаштириш тўғрисида”ги ПҚ-2120-сонли қарорини вилоятда ижросини таъминлаш мақсадида вилоят ҳокимининг 2014 йил 18 февралдаги 50-сонли қарори қабул қилиниб, дастурга асосан 2014 йилда жами 10 та ҳудудий тасарруфдаги корхоналарнинг 18 та лойиҳаси бўйича 35,8 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиш белгилаб олинган.

Дастур доирасида амалга оширилган ишлар натижасида январ-декабр ойлари давомида 47,4 млрд. сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилди ҳамда 52,4 млрд. сўмлик маҳсулотлар ички бозорларга сотилди. Шу даврда иқтисод қилинган валюта миқдори 9,5 млн. АҚШ долларини ташкил этиб, 34 та нафар янги ўринлари яратилди.

Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмлари корхоналар кесимида кўрилганда: Наманган шаҳридаги «Намтерм» ШКда 25 дона Шкаф «ШРУ-М», «Нам лидер литё сервис» МЧЖда 11,3 минг дона нон қолиплари, «Намметалстандарт» МЧЖда 2108,7 тонна электр пайвандланган тўғри чокли пўлат трубалар, «Наманган резина пласт» ШКда 10,5 минг кв.м конвеер ленталари, «Махсус метал саноат» МЧЖда 47,0 минг дона автомобиллар учун юқори босимли газ балонлар, Косонсой туманидаги «Косонсой тукимачи» МЧЖда 25,0 минг п.м. байка мато, 85,2 минг п.м. одеял мато, 151,9 тонна синтетик трикотаж ип маҳсулотлари, Наманган туманидаги «Ностандарт» ИЧКда ўт ўчириш гидрантлари (ПГ-500:325,0 комп, ПГ-750: 615,0 комп., ПГ-1000: 310,0 комп) ҳамда Уйчи туманидаги «Extra Primer Vat» МЧЖда 3676,0 дона автомобиллар учун аккумуляторлар каби маҳсулотлар ишлаб чиқарилиб, дастур асосида январ-декабр ойларига белгиланган прогноз топшириқлари тўлиқ таъминланди.

Тадбиркорликни молиявий қўллаб-қуватлаш ҳам тўғридан-тўғри, ҳам билвосита (имтиёзли солиқ солиш) маблағ билан таъминлаш йўли билан республика ва маҳаллий бюджетларнинг маблағларини, жамоат жамғармалари маблағларини жалб этиш, тижорат банклари томонидан кредит инвестицияси бериш, чет эл ва тадбиркорлик сармоясини инвестиция жараёнига жалб этиш, шунингдек хусусий хайр-эҳсон ва қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобига амалга оширилди.

2014 йилда маҳаллий бюджет даромадлари 1114,6 млрд. сўмни, бюджет харажатлари 1323,2 млрд.сўмни ташкил этди. Шу жумладан, маҳаллий бюджетда қоладиган қисми 608,2 млрд. сўмни ёки режага нисбатан 7,9 млрд. сўмга кўпайди.

Тадбиркорликни ривожлантириш, водопроводлар, канализация тизимлари ва иншоотлари, газ ва электр таъминоти тармоқлари, йўллар қурилиши, ҳудудларни ободонлаштириш, шунингдек ижтимоий инфратузилмани таълим, соғлиқни сақлаш, маданият ва спорт объектларини, меҳнат кучлари ортиқча бўлган қишлоқларда эса уй-жой қуриш учун зарур

бўлган қишлоқ, жойларда муҳандислик ва ишлаб чиқариш инфратузилмаси объектлари қурилишини маблағ билан таъминлаш ушбу объектларни ривожлантиришнинг тегишли давлат дастурлари доирасида устун даражада тегишли бюджетлар ва бюджетдан ташқари фондлар ҳисобидан, шунингдек давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришдан олинadиган маблағларнинг 20 фоизини ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга йўналтириш ҳисобидан амалга оширилади. Мақсадли давлат марказлаштирилган сармоя қўйилмаларини қишлоқда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик инфратузилмасини ривожлантиришга тақсимлаш давлат ҳокимияти ва бошқаруви маҳаллий органларига юкланади.

Мелиоратив объектларни қуриш ва реконструкция қилиш бўйича 2014 йила 4402,3 млн. сўм маблағлар ажратилиб, 5 та лойиҳаларда 15,1 км узунликда коллекторларни, 17 дона вертикал дренаж қудуқларини реконструкция қилиш ҳамда Норин туманида 20 дона кузатув қудуқларини қуриш ишлари амалга оширилди. Жумладан, Мингбулоқ туманидаги “Қорашаҳар” коллектори, Наманган туманидаги “Шарқий” коллектори фойдаланишга топширилди.

Мелиоратив объектларни таъмирлаш ва тиклаш ишлари бўйича 2014 йилда Мелиорация фондидан 5 890 млн сўм маблағлар ажратилиб, 15 та лойиҳалар да 955,09 км узунликда коллекторларни ҳамда 23 дона мелиоратив дренаж қудуқларини таъмирлаш ва тиклаш ишлари тўлиқ якунланди. Жумладан, Мингбулоқ тумани “Қорашаҳар” коллектори, Поп тумани “Қорақалпоқ” коллектори шулар жумласидандир.

Вилоятда соғлиқни сақлаш тизимидаги даволаш профилактика муассасалари фаолиятларида Ўзбекистон Республика Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастури»ги тўғрисидаги ПФ-2107-сонли, «Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш Давлат дастури» тўғрисидаги 3923-сонли Фармонлари талаблари асосида ислохотларни чуқурлаштиришга қаратилмоқда.

Аҳолини сифатли тиббий ёрдамга бўлган эҳтиёжини қондириш борасида 217 та қишлоқ врачлик пунктлари ва 10953 бемор ўринли 99 та (шундан 62 таси кичик бизнесда), шифохоналарда 5061 нафар врачлар ва 24495 нафар ўрта тиббиёт ходимлари меҳнат қилмоқдалар.

Ҳар 10 минг кишига тўғри келадиган врачлар сони 20,0 нафарни, ўрта тиббиёт ходимлари сони эса 97,6 нафарни ташкил этмоқда. 2014 йилда 7 та оналар ўлими, 618 нафар 1-ёшгача бўлган болалар ўлими содир бўлиб, (2013-йилда 6та оналар, 476 нафар чақалоқлар ўлими қайд этилган) ва ўтган йилнинг шу даврига нисбатан оналар ўлими 1, чақалоқлар ўлими 142 нафарга кўпайган.

Ҳар минг кишига туғилиш кўрсаткичи 24,6 ни ташкил этиб (2013 йилда – 22,9), ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,7 га кўпайган. Ҳар минг кишига ўлим кўрсаткичи 4,7 ни ташкил этган (2013 йилда – 4,6).

Улуш қўшиб қатнашиш шартларида ва кредит бериш шаклида давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришдан олинган маблағлар устун даражада инфратузилмани ривожлантиришга, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашнинг устувор йўналишларини ривожлантиришга йўналтирилади.

Тадбиркорлик субъектларига, кредит ташкилотларига тегишли фарқ турли фонд маблағлари ҳисобидан компенсация қилинган ҳолда, имтиёзли фоизли ставкалар бўйича кредит берилиши мумкин, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига имтиёзли шартларда кредит берувчи кредит ташкилотлари имтиёзлардан қонунчиликда белгиланган тартибда фойдаланадилар. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан банкларга тўланадиган кредитлар тўланмаслиги таваккалчилигини мажбурий суғурта қилиш тизими жорий этилади. Бунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг кредитларни ва кредитлардан фойдаланганлик учун фоизларни суғурта шартномасида белгиланган муддат давомида ўз вақтида ва тўлиқ тўлаш ҳақидаги жавобгарлиги суғурта объекти ҳисобланади.

Тадбиркорлик сармоясини инвестиция жараёнига жалб этиш мақсадида кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектлари уларга молиявий ёрдам кўрсатиш йўли билан кўрсатиб ўтилган жамиятлар қатнашчиларининг вақтинча бўш пул маблағларини жамлаш учун кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ўзаро кредит бериш жамиятини тузадилар, манбалари ҳақида декларация тўлдирилмайдиган хусусий маблағларга асосланган агроинвестиция фирмалари ташкил этилади.

Кичик бизнес субъектларини жадал амортизация қилиш механизмни қўллаш билан бир қаторда амортизация ажратмаси сифатида, уч йилдан ортиқ хизмат қилган асосий фондларнинг дастлабки қийматининг 50 фоизигача ҳисобдан чиқариб ташлашнинг қўшимча тизими жорий этилади.

Тадбиркорликни ривожлантириш Давлат дастурининг бажарилиши давлат бошқаруви органлари, фаолияти мақсади тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва инвестиция бериш ҳисобланган нодавлат тузилмалар, шунингдек жамоат ташкилотлари томонидан амалга оширилади. Давлат бошқаруви маҳаллий органлари бунда асосий ўрин тутишлари керак. Бунда шуни ҳисобга олиш керакки, дастур энг аввало маъмурий-буйруқбозлик чора-тадбирларига эмас, балки иқтисодий таъсир кўрсатиш чораларига таянади, энг аввало тадбиркорлик тузилмаларини қўллаб-қувватлаш учун зарур бўлган ташкилий тузилмалар, механизмлар ва шарт-шароитлар барпо этилишига йўналтирилган ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш Давлат дастурини амалга ошириш бўйича тадбирларнинг рўёбга чиқарилишини ўз ичига олади.

III боб бўйича хулоса

Иқтисодиёт тармоқларида тадбиркорлик фаолиятини такомиллаштириш учун шарт-шароитлар яратиш бозор инфратузилмасини кенг қўламда ташкил этишдан бошлаш мақсадга мувофиқдир. Чунки бозор инфратузилмасининг ривожланганлик даражаси кичик бизнес субъектларини фаоллашувинга олиб келадиган муҳитни келтириб чиқаради. Бозор

инфратузилмасини ички ва ташқи бозор муҳити талабларига мослаштириш, шунингдек, ўзгартиришлар давлат томонидан тартибга солиб борилади. Бугунги кунда бозор инфратузилмасини ривожлантиришнинг самарали тизимини шакллантириш, республика ички ва ташқи иқтисодий ҳўжалик алоқаларини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш йўлидаги ислохотлар кучайтирилди.

Энг муҳими тадбиркорликни шакллантириш ҳамда ривожлантириш жараёнларини давлат томонидан тартибга солиш ва бошқаришнинг иқтисодий чора-тадбирлари кенг қўлланилди. Бу эса кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида ишлаб чиқаришнинг оқилона жамланиши, ихтисослашуви ва жойлашиши бўйича муносабатларнинг фаоллашувига олиб келди. Натижада ҳукумат томонидан қабул қилинган қарорлар ва дастурларда белгиланган параметрларни вилоятда ижросини таъминланиши ҳисобига 2014 йил январ-декабр ойлари якуни билан иқтисодиётнинг барча соҳаларида барқарор ўсиш суръатлари таъминланди.

Наманган вилоятида 2014 йилда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми ўсиши билан бирга саноат корхоналарида янги ишчи ўринлари яратиш, эскирган технологияларни модернизация қилиш яъни янги технологияларни олиб кириш, янги турдаги маҳсулотларни ўзлаштириш, экспортбоп маҳсулотлар турларини кўпайтириш борасидаги ишлар амалга оширилди.

Эндиликда тадбиркорлик сармоясини инвестиция жараёнига жалб этиш мақсадида кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектлари уларга молиявий ёрдам кўрсатиш йўналишларидаги ислохотлар кучайтирилади. Масалан, вақтинча бўш пул маблағларини жамлаш мақсадидаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ўзаро кредит бериш жамиятини тузадилар, манбалари ҳақида декларация тўлдирилмайдиган хусусий маблағларга асосланган агроинвестиция фирмалари ташкил этилади. Кичик бизнес субъектлари фаолиятида жадал амортизация қилиш механизми қўлланилади.

Давлат бошқаруви органлари томонидан тадбиркорликни ривожлантириш бўйича Давлат дастурининг бажарилиши бўйича мониторинги ўрнатилади. Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва инвестиция берувчи нодавлат тузилмалари, жамоат ташкилотлари ва бошқа молиявий муассасалар томонидан тадбиркорлик фаолиятини молиялаштирадиган чора-тадбирлар амалга оширилади. Давлат бошқаруви маҳаллий органлари бунда асосий ўрин тутишлари керак.

Хулоса

Наманган вилоятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини бошқариш ва давлат томонидан тартибга солиш бўйича тажрибалар тобора ошиб бормоқда. Вилоятда маҳаллий бошқарувни тўғри ташкил этиш орқали кичик бизнес ва тадбиркорлик корхоналари сонининг йилдан йилга ошиб бориш имкониятига эга бўлинмоқда. Нафақат шаҳар ҳудудларида, балки қишлоқ жойларида тадбиркорликни ривожлантиришга йўналтирилган дастурлар ишлаб чиқилган.

Бироқ, шу билан биргаликда, Наманган вилоятида хусусий бизнес ва тадбиркорлик секторини давлат томонидан тартибга солиш соҳасида ҳали қатор чора-тадбирларни амалга ошириш талаб этилади. Чунки маҳаллий иқтисодиётнинг турли тармоқларида кичик бизнеснинг ривожланганлиги даражаси турлича. Масалан, савдо, саноат ва қишлоқ хўжалиги тармоқларида кичик бизнес корхоналари сони жуда катта рақамларни ташкил этса, моддий техника таъминоати, геология қидирув, молия ва бошқарув каби соҳаларда саноатли кичик бизнес корхоналари ташкил этилган.

Маҳаллий бошқарув органлари ва давлатнинг тартибга солиш воситалари орқали бундай соҳаларнинг ривожланишини таъминлайдиган чора-тадбирларни кўриш тақазо этилади.

Бироқ, бугунги кунда ушбу каби тармоқларда кичик бизнес субъектларининг тараққиётига тўсқинлик қилувчи қатор муаммолар борлигини қайд этиш лозим:

- кичик бизнес инфратузилмасининг қишлоқ жойларида ривожланмаганлиги, фискал ва кредит сиёсатининг ҳаддан ташқари қаттиқлиги, кичик бизнес корхоналарининг қисқаришига олиб келиши мумкин;
- ишлаб чиқариш омиллари ва товарлар ҳаракати йўллари монополизациясида кичик бизнес субъектлари манфаатларининг чекланиб қолаётганлиги;

- тадбиркорлар ва давлат идоралари ўртасидаги мавжуд муаммолар (ҳаддан ташқари назорат, бюрократликнинг қисман сақланиб қолинаётганлиги, расмиятчилик ва бошқалар);
- ишбилармонларнинг ва кичик бизнес ходимларининг етарли даражада касбий тайёргарлиги ва билим даражасининг йўқлиги.

Бу сабабларни бартараф этиш ва тадбиркорликни давлат томонидан тартибга солишни самарали йўлга қўйиш орқали қуйидагиларга эришиш мумкин:

- бу соҳани давлат томонидан қўллаб-қувватлашни кучайтириш;
- кичик бизнес инфратузилмасини айниқса қишлоқ жойларида ривожлантириш;
- экспортга мўлжалланган маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун корхоналар фаолиятини рағбатлантириш;
- тадбиркорлар манфаатларини ҳимоя қилишни таъминловчи меъёрий-ҳуқуқий асосларни такомиллаштириш ва улар фаолиятидаги бюрократик тўсиқларни чеклаш;
- чет эл тажрибасидан фойдаланиш асосида самарали кадрлар тайёрлаш тизимини яратиш.

Фикримизча, вилоят иқтисодиёти тармоқларидаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини давлат томонидан тартибга солишда секин ривожланаётган соҳаларга эътиборни қаратиш лозим. Айни шу каби тармоқларда кредит бериш, солиқдан озод қилиш бож тўловларини камайтиришга ўхшаган имтиёзларни жорий этиш мақсадга мувофиқдир.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларини ҳимоялашни янада яхшилаш мақсадида аудит ва солиққа тортиш соҳасида ўрнатилган тартиб меъёрларини қайта кўриб чиқиш ва такомиллаштириш зарур.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини текширувчи идоралар томонидан уларнинг фаолиятларига аралашувни камайтириш чораларини кўриш мақсадга мувофиқдир. Бугунги кунда кичик бизнес ва

хусусий тадбиркорлик субъектлари ўз ҳақ-ҳуқуқларини ўзлари ҳимоя қилишни яхши ўрганишлари лозим. Бунинг учун улар ҳуқуқий жиҳатдан билимларини оширишлари ва ўз фаолиятларида қонунга тушунган ҳолда суянишлари керак.

Иқтисодиётнинг устувор тармоқларида тайёр маҳсулотлар, шу жумладан, экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарини ташкил этишни кучайтириш ва уларга имкониятларни яратиш чораларини кўриб бориш лозим.

Кичик тадбиркорлик корхоналарининг қишлоқ жойларида ўз шўъба корхоналарини, филиалларини ташкил этиш жараёнларини кучайтириш. Шунингдек, кичик тадбиркорликда кичик ҳажмдаги меҳнатталаб тайёр маҳсулотлар, ярим фабрикат ва бутловчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш, буюртма беришларини, уларга асбоб-ускуна, технологик таъминотда ёрдам кўрсатишни рағбатлантиришга эришиш лозим.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш жараёнларини таҳлил қилиш мақсадида ҳар 3 ойда мониторинглар ўтказиш ва буни бир йил мобайнида тўрт марта амалга оширишга эришиш. Мониторингларнинг ўтказилишида мазмун-моҳият шарт-шароит яратишга йўналтирилган бўлиши даркор.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун кадрлар тайёрлашни такомиллаштириш, бунинг учун оралиқ ўқишларни ва қисқа курсларни ташкил этиш, Савдо-саноат Палатаси, кредит банклари ва уюшмалари, Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси, халқаро ташкилотлар грантлари ва стипендиядарини жорий этиш мақсадга мувофиқдир.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари ва Президент Фармонлари

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. –Т.: Ўзбекистон, 2014.
2. Тадбиркорлик тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. 1991 йил. 15 февр.
3. Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. 1995 йил. 21 дек.
4. Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. 1998 йил. 24 дек.
5. Тадбиркорлик ва тадбиркорлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. 1999 йил. 14 апр.
6. Тадбиркорлик фаолиятининг эркинлик кафолатлари тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. 2000 йил. 25 май.
7. Хусусий корхона тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. 2003 йил. 11 дек. // Ўзбекистон Республикаси Қонунлари тўплами. –2004. №3, –б. 3–8.
8. Текширишларни тартибга солиш ва назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштиришни такомиллаштириш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. 1996 йил. 8 авг.
9. Хўжалик юритувчи субъектларни текширишни ташкил қилишни тартибга солиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. 1998 йил. 19 ноя.
10. Ўзбекистон иқтисодиётида хусусий секторнинг улуши ва аҳамиятини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. 2003 йил. 24 янв.
11. Хусусий тадбиркорлик, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. ПФ–1987-сонли Фармонига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида. 2003 йил. 30 авг.

12. Бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштириш соҳасидаги устувор йўналишлар амалга оширилишини жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. 2005 йил. 14 июн. // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. –2005. №23–24 (159–160). –б. 5–7.
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида. 2005 йил. 14 июн. // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. –2005. №23–24 (159–160). –б. 7–9.
14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Микрофирмалар ва кичик корхоналарни ривожлантиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. 2005 йил. 20 июн. // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. –2005. №25–26 (161–162). –б. 4–6.
15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Тадбиркорлик субъектларининг хўжалик соҳасидаги ҳуқуқбузарликлари учун молиявий жавобгарлигини эркинлаштириш тўғрисида. 2005 йил. 24 июн. // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. –2005. №25–26 (161–162). –б. 6–7.
16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида. // Халқ сўзи. –2005 йил. –6 окт. №199 (3744).
17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни

таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида. // Халқ сўзи. 16 май, 2015.

18. Хўжалик юритувчи субъектларни текширишни ташкил қилишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 496-сонли Қарори. 1998 йил. 27 ноя.
19. Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тартиботлари тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори. 2003 йил. 20 авг.
20. Кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектларига тегишли бўлган корхоналар ва ташкилотлар классификациясини тасдиқлаш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 439-сонли Қарори. 2003 йил. 11 окт.
21. Тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган ҳисобот тизимини такомиллаштириш ва уни ноқонуний талаб этганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. 2005 йил. 15 июн. // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. –2005. №23–24 (159–160). –б. 10–12.
22. Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишнинг хабардор қилиш тартибини жорий этиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори. 2006 йил. 24 май.
23. Тадбиркорлик фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори. 2009 йил. 15 май. (ПҚ–1112-сон).

II. Ўзбекистон Республикаси Президенти

маърузалари ва асарлари

24. Каримов И. А. Ўзбекистон: миллий истиклол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т. 1. –Т.: Ўзбекистон, 1996. –364 б.

25. Каримов И. А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. // Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т. 3. –Т.: Ўзбекистон, 1996. –366 б.
26. Каримов И. А. Янгича ишлаш ва фикрлаш – давр талаби. Т. 5. –Т.: Ўзбекистон, 1997. –384 б.
27. Каримов И. А. Ўзбекистон буюк келажак сари. –Т.: Ўзбекистон, 1999. –686 б.
28. Каримов И. А. Тадбиркорлик – юксалиш гарови. // Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Т. 8. –Т.: Ўзбекистон, 2000. –528 б.
29. Каримов И. А. Жамиятда тадбиркорлик руҳини қарор топтириш – тараққиёт гарови. // Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. Т. 9. –Т.: Ўзбекистон, 2001. –528 б.
30. Каримов И. А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т. 13. –Т.: Ўзбекистон, 2005. –448 б.
31. Каримов И. А. Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодиёти-мизни барқарор ривожлантириш йўлида. Т. 16. –Т.: Ўзбекистон, 2008. –368 б.
32. Каримов И.А. Қонун ва адолат устуворлиги эркин ва фаровон ҳаёт кафолатидир. // Халқ сўзи. –2004. –18 сент.
33. Каримов И. А. Эл-юрт ташвиши билан яшаш ва ишлаш – асосий мезон // Халқ сўзи. –2004. –16 окт. №216.
34. Каримов И. А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. –Т.: Ўзбекистон, 2005. -96 б.
35. Каримов И. А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. –Т.: Ўзбекистон, 2009. –59 б.
36. Каримов И. А. Асосий вазифамиз – ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. –Т.: Ўзбекистон, 2009. –80 б.

37. Каримов И. А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. –Т.: Ўзбекистон, 2010. –56 б.
38. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. –Т.: Ўзбекистон, 2010.
39. Каримов И. А. Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. –Т.: Ўзбекистон, 2011. –48 б.
40. Каримов И.А. Бизнинг йўлимиз – демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва модернизация жараёнларини изчил давом эттириш йўлидир. –Т.: Ўзбекистон, 2011.
41. Каримов И.А. 2012 йил ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. –Т.: Ўзбекистон, 2012.
42. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида. –Т.: Ўзбекистон, 2012.
43. Каримов И.А. Каримов И.А. Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. –Т.: Ўзбекистон, 2013.
44. Каримов И.А. Каримов И.А. 2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади. – Т.: Ўзбекистон, 2014. – 64 б.
45. Каримов И.А. 2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир. // Халқ сўзи. 17 нварь, 2015.

III. Китоблар, монографиялар ва илмий манбалар

46. Абулқосимов Х, Худойбергандов Н. Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш муаммолари. –Т.: Университет, 1997.

47. Арипов О. А. Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат томониданг тартибга солиш. –Т.: Фан, 2012, 272 б.
48. Базаров Ф.О. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида тадбиркорликка солиқ солиш тизимини такомиллаштириш. –Т.: Фан ва технология, 2010.
49. Вахабов А. В., Жумаев Н. Х., Хошимов Э. А. Жаҳон молиявий–иқтисодий инқирози: сабаблари, хусусиятлари ва иқтисодиётга таъсирини юмшатиш йўллари. –Т.: Akademnashr, 2009. –141 б.
50. Ичитовкин Б.И. Малые формы хозяйствования. -М.; Экономика, 1991.
51. Кемпбелл Р., Стэнли Л. Брю. Экономикс. -М.; Республика, 1992. 1;2 китоб.
52. Клас Эклунд, Эффективная экономика, -М.; Экономика, 1991.
53. Краюхин Г. ва бошк. Малые предприятия в условиях рынка. -Т.: Ўзбекистон, 1991.
54. Лапуста М.Г., Старостин Ю.Л. Малое предпринимательство. -М.; Инфра-М, 1997.
55. Мақсудов Ф.Н. Танишинг: Бизнес! -Т.: Меҳнат, 1992.
56. Мирзиёев Ш.М. ва бошқалар. Ўзбекистонда ишбилармонлик ва тадбиркорликнинг ривожланиши. -Т.: Университет, 1994.
57. Отахонов Ф.Х., Эрназаров У.Т. Хусусий тадбиркорлик. -Т.: Адолат, 1995.
58. Райзберг Б.А. Основы бизнеса. Учебное пособие. М., 1996.
59. Рахмонкулов Х.Р. Бозор иқтисодиёти асослари. Термез: “Жайхун“, 1994.
60. Самуэльсон П.А., Нордхаус В.Д. Экономика. Пер. с англ. -М.: “Лаборатория базовых знаний”, 2000.
61. Суюнов Д.Х. Кичик ва ўрта бизнес субъектларида бошқарувни ташкил қилиш ва унинг самарадорлигини ошириш йўналишлари.: Иқтисод фанлари номзоди... дисс. –Т.: 2004.
62. Ходиев Б.Ю. Ўзбекистон иқтисодиётида тадбиркорлик ривожини эконометрик моделлаштириш. Автореф. –Т.: 2000.

63. Чжен В.А. Развитие малого и частного бизнеса в Узбекистане. -Т.: 1995.
64. Шапиро А.М. Опыт функционирования мелких и средних предприятий в экономике развитых капиталистических стран. М.; 1985.
65. Шепелев В.М. Очерки теории и практики предпринимательства. –Т.: Фан, 1998.
66. Шевелева С.А. Основы экономики и бизнеса: Учеб. Пособ. 2-е изд., перераб. и доп. –М.: ЮНИТИ, 2000.
67. Эргашев Т., Исматов Р. Иқтисодий саводхонлик. -Т.: 2001.
68. Эраев Б. А., Каримова Г.И. Абулқосимов Ҳ.П. Бозор иқтисодиётини давлат томонидан тартибга солиш воситалари. –Т.: Шарқ, 1996.
69. Гуломов С.С. Тадбиркорлик ва кичик бизнес. –Т.: Шарқ, 2002.
70. Ўлмасов А. Иқтисодиёт асослари. -Т.: Меҳнат, 1997.

IV. Журнал, рўзнома ва тезислар

71. Абдулқосимов Х., Қулматов О. Тадбиркорлик – сермашаққат фаолият. // Иқтисод ва ҳисобот, 1997. №9.
72. Арипов О., Эшонхўжаева Ш. Ўзбекистонда кичик ва ўрта бизнес самарадорлиги. // Жамият ва бошқарув, 2001. №4.
73. Арипов О.А. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик муаммолари. // Ж. Жамият ва бошқарув. –2009. №4. 69–70 б.
74. Арипов О.А. Замонавий бизнеснинг маънавий жиҳатлари. // Ж. Жамият ва бошқарув. (махсус сон). –2010. 277–279 б.
75. Арипов О.А. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик меъзонлари. // Ж. Жамият ва бошқарув. –2010. №3. 48–50 б.

V. Статистик тўпламлар

76. Деловая среда в Узбекистане глазами представителей частного бизнеса. / Отчет Международной финансовой корпорации (IFC). –Т.: 2009.

77. Доклад о развитии человека 2010. Реальное богатство народов: пути к развитию человека / Пер. с англ.; ПРООН. –М.: Изд. «Весь мир», 2010. –244 с.
78. Инсон тараққиёти тўғрисида маъруза. / Г. Саидова раҳбарлигидаги муаллифлар гуруҳи. –Т.: 2002.
79. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий кўрсаткичлари. –Т.: 2015.
80. Ўзбекистон иқтисодиёти: таҳлилий шарҳ 2014 йил. / СИСМ. 2015. №8.
81. Ўзбекистон Республикаси йиллик статистик тўплами. 2013: статистик тўплам. –Т.: Matrix Print, 2014. –392 с.
82. Ўзбекистон иқтисодиёти: Ахборот–таҳлилий бюллетень 2013 йил январь–март. –Т.: 2014. –70 б.
83. Ўзбекистон тадбиркорлик субъектларининг солиқ маъмуриятчилиги ва ҳисоботларга доир харажатлар. / Халқаро молия корпорациясининг (IFC) ҳисоботи. 2010. –121 б.
84. Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги маълумотлари.
85. Наманган вилояти статистика бошқармаси маълумотлари. 2012-2014 йиллар.

VI. Интернетдан олинган манбалар

86. www.gov.uz Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумат портали.
87. www.cer.uz
88. www.chamber.uz – Ўзбекистон Республикаси Савдо–саноат палатаси сайти.
89. www.cbu.com – Ўзбекистон Республикаси Марказий банки расмий сайти.
90. <http://uba.uz> – Ўзбекистон банклари Ассоциацияси расмий сайти.
91. www.iscti.ru
92. www.fact.ru
93. www.googlu.ru

94. <http://epp.eurostat.ec.europa.eu>
95. <http://esa.un.org/unpp>